

Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Малака ошириш институти

# АХБОРОТНОМАСИ

№ 3/2023

Тошкент – 2023

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МАЛАКА ОШИРИШ  
ИНСТИТУТИ АХБОРОТНОМАСИ**

Илмий-амалий, маънавий-маърифий ва сиёсий-ҳуқуқий журнал

<p align="center"><b>Бош муҳаррир:</b> <b>Олимжон АХМЕДОВ</b></p>	<p align="center"><b>Муассис: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти</b></p>
<p align="center"><b>Жамоатчилик Кенгаши таркиби:</b> <b>Нуриддин НОРМАТОВ</b> <b>Азизбек ИКРАМОВ</b> <b>Баходир МАТЛЮБОВ</b> <b>Умидбек НУРУЛЛАЕВ</b></p>	<p align="center"><b>2023 йил – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ</b></p> <p>Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида, лотин, кирилл ёзувида чоп этилади.</p> <p>Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллиф жавобгардир.</p> <p>Журналдан кўчириб олинган манба кўрсатилиши керак.</p> <p align="center">***</p> <p><i>Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Ахборотномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 20 майда №1630-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.</i></p>
<p align="center"><b>Ҳайъат аъзолари:</b> <b>Улуғбек РАСУЛЕВ</b> <b>Нуъмон АЗИЗОВ</b> <b>Фарход ХАТАМОВ</b> <b>Музаффар ТОЖИБОЕВ</b> <b>Рустам ТУЛЬТЕЕВ</b> <b>Меҳмонали СУВАНҚУЛОВ</b> <b>Эркин МАРУПОВ</b></p>	<p align="center"><i>Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Малака ошириш институтининг Ахборотномаси” илмий-амалий журнали 2023 йил 15 июндаги ОАК Раёсатининг 339/6-сон қарорига асосан юридик ва тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган миллий илмий наирлар рўйхатида киритилганлигини маълум қилади.</i></p>
<p align="center"><b>Тахририят:</b> <b>Масъул муҳаррир:</b> <b>Карим НОРМАТОВ</b> <b>Мусаҳҳих:</b> <b>Рўзибуви ҚУРБОНОВА</b> <b>Саҳифаловчи:</b> <b>Маъруф РАҲМОНОВ</b></p>	

## БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловнинг энг устувор бош йўналиши: ҳар бир инсон ўз салоҳияти ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун зарурий имкониятларни яратишда келгуси етти йил ичида амалга оширилиши лозим бўлган устувор мақсад ва йўналишлар, стратегик вазифаларни баён этади. Улар шубҳасиз, қурилаётган келажагимиз, барпо этиладиган эртанги кунимиз қиёфасини аниқлаб беради.

Бугунги кун янги Ўзбекистон орзуси – халқни, миллатни, фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда тадбиркорлик ва бизнес ҳамжамиятини бирлаштирувчи ойдин йўлга бошловчи олий мақсадга айланади. Бу эса ҳар бир шахс ва барча соҳалар ҳамда жабҳаларда ўз ифодасини топмоқда. Инчунун, олий ўқув ва малака ошириш даргоҳимизда профессионал кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилди, тингловчилар ўз бурчи ва қасамёдига содиқ, ҳақиқий ватанпарвар ҳамда Юртбошимиз иродаси: халқчил ходимлар ва энг муҳими туб демократик ислохотларда фаол иштирокчиларга айланмоқда.

Устоз-шогирд анъанаси, меҳр-оқибат ва қатъий иродаси мужассам шукроналик тамойиллари профессор-ўқитувчилар таълимида изчил таомилга айланди. Аллома Ҳусайн Воиз Кошифийнинг пурмаъно ғояси бекорга қайд этилмаган: *“Устоз нимаики айтса, шогирд уни жон дили билан эшитиши, чин кўнгил билан қабул қилиши ва олган билим ҳамда малакасини амалда адо этиши керак”*.

Профессор-ўқитувчилар ва тингловчиларда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатли ҳамда ёнингиздагиларга далда бўлиш, қўллашга нима етсин?! Халқимизнинг асл қадриятлари бир-биримизга меҳрли бўлиш, қоқилганда суяш – ҳарбийча айтганда: доим тайёр туриш сира ҳам йўқолмасин. Ҳамиша огоҳлик ва ҳушёрлик тарк этмасин!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ

Муҳтарам отахон ва онахонлар! Азиз опа-сингиллар!

Қадрли ёшлар!

Ҳурматли юртдошлар!

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳалар қатори ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, тизим фаолиятини мутлақо янги, замонавий босқичга кўтариш, соҳа ходимларининг аҳоли турли қатламлари билан доимий мулоқоти ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган мақсад ички ишлар органларини, ушбу тизимда хизмат қилаётган ҳар бир ходим жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни, жамоат тартибини сақлаш йўлида чин дилдан хизмат қиладиган халқчил профессионал тузилмага айлантиришдан иборат.

Янги Ўзбекистонда **“Инсон қадри учун”** эзгу ғояси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Инсон қадри улуғланаётган ана шундай тарихий шароитда қишлоқ, овул ва маҳаллаларимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш борасида барчамизнинг зиммамиздаги масъулиятли вазифалар янада ортиб бормоқда.

Ички ишлар органларини тубдан ислоҳ қилиш жараёнида жиноятчиликка қарши курашиш, ижтимоий хавfli қилмишларни фoш этиш ва барвақт олдини олиш борасидаги ёндашувлар тубдан ўзгартирилди.

Бугунги кунда ички ишлар тизимидаги ҳар бир раҳбар ва ходимнинг кундалик хизмат фаолиятида рақам ва фоизлар ортидан қувиш эмас, балки фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилиш биринчи галдаги вазифага айланмоқда.

Жиноятчиликни янгича услубда таҳлил этиш, ходимлар иш самарадорлигини уларнинг хизмат вазифасини қай даражада сифатли ва малакали бажаришига қараб баҳолаш механизми жорий этилгани ишимиз сифати ва мазмунини тубдан яхшилаш имконини бермоқда. Бевосита аҳоли билан ишлаётган ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Худудларда республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарларининг сайёр қабуллари, аҳоли билан бевосита мулоқотлари мунтазам ўтказиб борилмоқда.

Сектор раҳбарлари томонидан жиноятлар сабабларини “маҳаллабай” ва “соҳабай” муҳокама қилиш ва уларни бартараф этиш борасида ваколатли давлат идораларининг кундалик вазифаларини белгилаш тизими яратилди.

Соҳани ислоҳ қилиш жараёнида ички ишлар органларининг бевосита аҳоли билан ишлаётган хизматлари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини амалиётга татбиқ этиш доирасида сектор раҳбарлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ҳар куни ташкил этиш, аҳоли ўртасида жиноятчиликка нисбатан муросасизлик ҳиссини кучайтириш чоралари кўрилаётгани ҳамда жиноятчиликни “маҳаллабай” тамойили асосида жиловлаш механизми яратилгани ижобий натижа бермоқда.

Тизим фаолияти тарихида илк бор Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси қабул қилинди. Ушбу концепция асосида аҳолини таҳдидлардан қайтартириш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ алоҳида вазиятларда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ягона бошқарув тизими яратилди, бунга муносиб ҳиссасини қўшадиган ваколатли идоралар белгиланди.

Барча худудларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳолат халқ депутатлари Кенгашларида муҳокама қилиб келинмоқда. Бу борадаги аҳволни яхшилаш бўйича худудий дастурлар ишлаб чиқиш тартиби жорий этилди. Қатор янгича иш услублари амалиётга татбиқ этилди, патруллик хизмати замонавий моделлар асосида ташкил этилди.

Азиз юртдошлар!

Кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида ана шундай ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, албатта, барчамизни қувонтиради. Шу билан бирга, бугунги шиддатли ва мураккаб замон олдимизга қандай долзарб вазифаларни қўяётганини барчамиз яхши тушунамиз.

Жорий йилнинг 28 июль куни Фарғона шаҳрида Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг Президентимиз раислигида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида тизимдаги ишлар чуқур таҳлил қилиниб, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар аниқ кўрсатиб берилди.

Шулардан келиб чиқиб, мавжуд муаммоларга ечим топиш, аҳоли учун хавфсиз яшаш ва меҳнат шароитларини яратиш борасида ички ишлар органлари томонидан қатор вазифалар белгилаб олинди.

**Биринчидан,** бундан буён асосий эътиборни содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни илмий ёндашув асосида ўрганиш, уларнинг асл сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш масаласига қаратамиз. Эндиликда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини жалб этиб, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда “намунали ҳудуд методикаси” яратилади. Мазкур ёндашув орқали келгусида ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг асл сабаблари аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилади.

**Иккинчидан,** аччиқ бўлса ҳам тан олиш керак: тўққиз ярим мингга яқин маҳалланинг 1,5 мингдан зиёдида криминоген вазият мураккаблигича қолмоқда. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, маҳалладаги жиноятчиликнинг илдизи кўпинча ижтимоий муаммоларга бориб тақалади.

Шунинг учун ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича “ижтимоий профилактика” тизимини тўғри йўлга қўйиш орқали профилактика инспектори, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаолидан иборат “маҳалла бешлиги” ҳамкорлиги янада кучайтирилади. Маҳалланинг ўзида ўсмирлар, ёшлар ва аёллар ўртасидаги жиноятчиликни кескин камайтириш ҳамда муаммоли фуқаролар билан ишлашни кучайтирган ҳолда криминоген вазиятни барқарорлаштириш чоралари кўрилади.

**Учинчидан,** Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва уларнинг вилоят бошқармалари раҳбар ходимлари, Бош прокурор ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари ва вилоят прокурорлари энг оғир маҳаллаларга бириктирилган ҳолда уларни “жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш” саъй-ҳаракатлари фаоллик билан амалга оширилади. Бунда ҳар бир раҳбар жойларга чиқиб “маҳалла бешлиги” фаолияти билан шахсан танишади, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳамда криминоген вазиятга таъсир кўрсатувчи омилларни муҳокама қилади, муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этиш бўйича манзилли чора-тадбирларни белгилайди ва назоратини ўрнатади.

**Тўртинчидан,** “Оила – маҳалла – мактаб – мустақил ҳаёт” тамойили асосида тарбияси оғир ўсмирларга вазирлик, идора ва ташкилот

раҳбарлари бириктирилади, мустақил ҳаётга тайёрлаш даврида улар билан якка тартибда ишлаш механизми йўлга қўйилади. Бунинг учун “Вояга етмаганлар билан ижтимоий-ҳуқуқий ишлаш класстери” тизими жорий этилади. Бунда ўсмирларни уч тоифага бўлган ҳолда мутасаддилар томонидан “оталиққа олиш” тартиби белгиланади.

Хусусан, жиноят содир этган ёки жиноят қилишга мойил бўлганларга ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари ва раҳбар ўринбосарлари, ижтимоий зарарли хатти-ҳаракат содир этиши мумкин бўлганларга давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва раҳбар ўринбосарлари, назоратсиз ва қаровсиз қолганларга ҳокимликлар, таълим муассасаси директорлари ва маҳалла раислари бириктирилади.

**Бешинчидан**, “Хавфсиз оила” тамойили асосида алоҳида иш тизими йўлга қўйилади. Бунда ижтимоий-маиший муаммоси ҳал бўлмаган оилалар билан ишлаш давлат идораларининг биринчи галдаги вазифаси этиб белгиланади. Судда низолашаётган оилалар билан манзилли ишлаш бўйича ягона идоралараро ахборот тизими ишга туширилади. Бунинг учун суд органларига низонинг мазмуни ва ундан кутилаётган хатарларнинг барвақт олдини олиш бўйича маҳалла ва ички ишлар органларини хабардор қилиш, таҳлилий тавсия бериш вазифаси юклатилади.

Ўз навбатида, ички ишлар органлари, суд тавсиясига асосан, низоли оилани ўрганиб, ҳимоя ордери орқали “оилабай” профилактик чораларни кўриш, сектор раҳбарлари ва маҳалла раисларига оиланинг маиший муаммоларини ҳал этишда яқиндан кўмаклашиш, адлия органлари эса низолашаётган оила билан манзилли маслаҳатлашув ўтказиб, малакали ҳуқуқий ёрдам бериш ишларини амалга оширади.

**Олтинчидан**, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги – жамоатчилик назоратида” тамойили асосида йилига камида икки марта ижтимоий сўров ўтказиш, шунингдек, барча йўл-патруль хизмати ходимлари учун маҳаллаларни қамраб олувчи жавобгарлик ҳудудини белгилаб қўйиш амалиёти йўлга қўйилади. Бунда Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилган ишлар бўйича Олий Мажлис, маҳаллий кенгашлар ва кенг жамоатчиликка ҳар ярим йилда ҳисобот бериб борилади.

Мамлакатимиз бўйича энг хавфли йўл ва чорраҳалар харитаси шакллантирилади. Ушбу харитада ҳаракатни тартибга солиш учун зарур

бўлган светофор, йўл тўсиқлари, ер усти ва ер ости пиёдалар йўлакларининг аниқ сони ва ўрнатилиш жойлари, шунингдек, таъмир талаб, жиддий хавф туғдираётган йўл қисмларининг жойлашуви кўрсатилади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари кўмагида, консультантларни жалб қилган ҳолда ушбу йўл ва чорраҳаларда тартиб ўрнатиш ишлари бошланади.

**Еттинчидан**, сўнгги вақтларда янги турдаги жиноятлар ва уларни содир этиш усуллари пайдо бўлмоқда. Айниқса, ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатувчи ёт ғояларни тарғиб этиш, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш, фуқароларнинг шахсий маълумотларини ва мол-мулкни интернет ҳамда ижтимоий тармоқлар ёрдамида ноқонуний қўлга киритиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

Мана шундай вазиятда барчамиз доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз керак. Бу борада маҳалла фаоллари, нуронийлар, устоз ва мураббийлар билан биргаликда келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизни жиноят ва ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилишнинг содда ва самарали усуллари амалда қўлланилади.

**Саккизинчидан**, шиддат билан ўзгараётган ҳозирги замонда соҳани рақамлаштириш кўрсаткичини юксак даражага етказишга алоҳида эътибор қаратилади. Айниқса, аҳолига электрон давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва кўламини ошириш, идоралараро ахборот алмашиш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш бўйича барча зарур чоралар кўрилади.

Бунга бор кучимиз ва имкониятларимизни йўналтирамиз.

**Тўққизинчидан**, тизимда маънавий-ахлоқий масалаларга эътибор тубдан ўзгаради. Ички ишлар органлари ходимлари ҳар куни минглаб фуқаро билан мулоқотга киришади. Бу жараёнда уларнинг хушмуомала бўлиши, фуқаролар муаммоларига қонуний ечим топиши аҳоли, умуман, жамиятдаги ижтимоий кайфиятга жуда катта таъсир кўрсатади.

Шу маънода, ўз касбига, хизмат бурчига садоқатли, юрт тинчлиги, халқ манфаати учун хизмат қилишни муқаддас бурчи деб биладиган чинакам фидойи ходимлар ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажаришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун бундан буён ҳам кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳамда тизимни нопок, ғаразли ниятдаги, ўз манфаатларини халқ манфаатидан устун қўядиган шахслардан тозалаш ишлари диққатимиз марказида бўлади.



Азиз юртдошлар!

Жонажон Ўзбекистонимиздаги бугунги озод ва фаровон ҳаёт, тинчлик ва осойишталик ҳамда фуқароларнинг эмин-эркин яшаб меҳнат қилиши учун яратилган барча шароитларнинг қадрига етиш, Ватанимизнинг бугунги кунини ва эртасини учун, касби-коримиз, ёшимиз, миллатимиз ва эътиқодимиздан қатъи назар, ҳар биримиз ўзимизни масъул деб билишимиз лозим.

Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ички ишлар органлари ходимларининг шарафли бурчидир. Халқ манфаатларига хизмат қилиш соҳа вакилларининг асосий шиори бўлиб қолади.

Ана шундай эзгу ва хайрли ишларда ички ишлар органлари, авваламбор, жонажон Ўзбекистонимизнинг кўп миллатли халқига, жонқуяр ва фидойи маҳалла фаолларига, кўпни кўрган нуроний отахон ва онахонларимизга, меҳрибон опа-сингилларимиз, хотин-қизлар ташкилотларининг тажрибали вакилларига, инсон қалби муҳандислари бўлган устоз ва мураббийларимизга, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган азму шижоатли ёшларимизга таянади ва суянади.

**Қадрли ватандошлар, мамлакатимизда тинч ва осойишта ҳаётни янада мустаҳкамлаш, маҳаллаларимизда ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликнинг олдини олишда ягона куч бўлиб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилайлик!**

**Пўлат БОБОЖОНОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири*

**(Махсус “Янги Ўзбекистон”дан олинди. 2023 йил 15 сентябрь).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚЎМОНДОНИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ

Азиз ва мухтарам юртдошлар!

Сизларга яхши маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда инсон қадри улуғланадиган, қонун ва адолат устувор бўлган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар ўзининг амалий натижаларини бермоқда. Бу жараёнда, айниқса, аҳоли тинчлиги ва осойишталиги, фуқароларимизнинг қонуний манфаатларини сўзсиз ҳимоя қилиш, **“Хавфсиз ҳудуд”**, **“Хавфсиз маҳалла”**, **“Хавфсиз бозор”** каби тамойилларга қатъий амал қилган ҳолда янги Ўзбекистонда **хавфсиз мамлакат** муҳитини яратишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 28 июль куни Фарғона вилоятида ўтказилган йиғилишда юртимизда жиноятчиликни жиловлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муаммоларни тизимли ҳал этиш, айниқса, **“ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикаси”** усуллари асосида кўча ва маҳаллаларда осойишта муҳитни яратиш бўйича барча масъул идора ва жамоатчилик вакилларининг фаолиятини самарали йўлга қўйиб, бу борада туб ўзгариш ясаш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан биргаликда ушбу долзарб вазифаларни бажариш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда аниқ режа асосида фаолият кўрсатмоқда. Бу жараёнда Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларидаги йирик бозорлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар ва оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки ишончли қўриқланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қадрли ҳамюртлар!

Миллий гвардия ўзининг кенг қиррали хизмат фаолиятини амалга оширишда, аввало, сиз азизларга, маҳалла фаолларига, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаётган барча фуқароларимизга таянади.

**“Хавфсиз маҳалла – хавфсиз турмуш гарови”** тамойили асосида маҳаллаларда жинойтларнинг барвақт олдини олиш, уларни юзага келтираётган асл сабаб ва омилларни бартараф этиш, сизу бизнинг асосий вазифаларимиздан бири, деб ҳисоблаймиз. Нега деганда, бугунги кунда маҳаллалардаги вазиятни таҳлил қилар эканмиз, минг афсуски, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқараётган сабаблардан кўра, уларнинг оқибатларига қарши курашиш билан банд бўлиб қолаётганимиз аён бўлмоқда.

Маҳаллаларда ёшлар тарбиясига етарли даражада эътибор қаратилмагани туфайли вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жинойт ва носоғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилиш ҳолатлари кўпайгани ҳам салбий вазиятнинг кучайишига олиб келмоқда. Бунга барҳам бериш учун, аввало, маҳаллаларда жинойт содир этилишига имкон бераётган омилларни аниқлаб, уларни бартараф этишимиз зарур.

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатма ва топшириқлари асосида Миллий гвардия бу борада ўзининг барча куч ва имкониятларини жалб этган ҳолда, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирларни аниқ белгилаб олди.

**Биринчидан**, бугунги кунда айрим бозорлар, истироҳат боғлари ва хиёбонлар техник ва хавфсизлик воситалари билан етарли даражада жиҳозланмагани, жамоат назорати масканлари мавжуд эмаслиги оқибатида жинойт ва ҳуқуқбузарликлар содир этилмоқда ҳамда фавқулодда ҳолатлар юзага келмоқда.

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети томонидан илмий ёндашган ҳолда яратилган **“Кўкон тажрибаси”** барча ҳудудлардаги бозорларда жорий этилади.

Вилоятлар марказларидаги йирик бозорлар, истироҳат боғлари ва хиёбонлар маъмурияти билан биргаликда объектларнинг асосий кириш жойларига шахсни юзидан таниб оладиган видеокамералар ўрнатиш чоралари кўрилади.

Жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш мақсадида кўшимча видеокузатув камералари ўрнатилади ва **Ягона мониторинг марказига** интеграция қилинади.

Бозорлар, истироҳат боғлари ва хиёбонлардаги савдо объектлари индивидуал кўриқлаш бўйича сигнализация воситалари ҳамда улар жойлашган ҳудудлар **“Ташвиш”** тугмалари билан босқичма-босқич жиҳозланади. Ушбу объектларга қарашли майдонлар ва уларнинг ён-атрофида тушунтириш, тарғибот ишлари ҳамда фуқароларни огоҳликка чақиришга қаратилган чора-тадбирлар кучайтирилади.

Бир сўз билан айтганда, биз бу ишларимизни тубдан қайта кўриб чиққан ҳолда, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур чораларни кўрамиз. Натижада **“Хавфсиз бозор”, “Хавфсиз дам олиш маскани”** концепцияларининг ҳаётга татбиқ этилишига эришамиз.

**Иккинчидан**, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича янги тизим ва амалиёт жорий этилиб, мулкӣ ва жамоат тартибига қарши қаратилган жиноятлар содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган объектларда доимий кузатув йўлга қўйилади.

Жисмонӣ ва юридик шахслар томонидан бинолар ёки уларга кириш йўлакларига ўрнатилган видеокузатув мосламаларини ўзида бирлаштирадиган **“Е-Hamkor”** дастури татбиқ этилиб, ушбу дастур ички ишлар органларининг ҳудудӣ ситуацион марказларига интеграция қилинади.

**“Қизил”** тоифали маҳаллаларда жиноятчиликни жиловлашга илмӣ нуқтаи назардан ёндашиш ва бу йўналишдаги ишларни мақсадли ташкил этиш учун Миллий гвардиянинг вилоят бошқармаларида Жамоат хавфсизлиги университетининг амалӣ лабораториялари ташкил этилади. Бунда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига замин яратадиган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича илмӣ асосланган иш усуллари ишлаб чиқилади ва амалиётга татбиқ этиб борилади.

Амалӣ лаборатория ходимлари маҳаллаларда иш олиб бораётган шахсий таркибнинг маъмурий ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича билим ва кўникмаларини шакллантиради, маҳаллалардаги **“еттилик”** билан ҳамкорликда **“Тинч ва ахил оила”, “Жиноятдан холи маҳалла”** ва **“Рақамли маҳалла”** илмӣ-амалӣ лойиҳалари доирасида фаолият кўрсатади.

Жиноятларнинг олдини олиш борасида маҳаллалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича **“Фуқаролар билан ишлаш модули”** асосида узлуксиз ўқитиш тизими ташкил этилади.

**Учинчидан,** мактабларимизда хавфсиз муҳит яратишга, ўқувчиларга нисбатан жисмоний хавф-хатарларни тезкорлик билан бартараф этиш мақсадида шаҳар-туман марказларидаги барча таълим муассасаларига “Ташвиш” тугмалари ва видеокузатув мосламалари ўрнатилди ҳамда Миллий гвардия кўриқловига олинди.

Келгусида ҳам таълим муассасаларининг кўриқлов тизимини такомиллаштириш борасида **“Хавфсиз таълим”** концепцияси жорий этилиб, бу соҳада кенг кўламли ишларни давом эттирамиз.

**Тўртинчидан,** фуқароларнинг яшаш жойидаги мол-мулкни ишончли кўриқлаш, уларни ноқонуний эгаллаш ҳолатларининг барвақт олдини олиш ва ўз вақтида чек қўйишни олдимиздаги асосий мақсадлардан бирига айлантирамиз! Ишонтириб айтаманки, бу борада Миллий гвардияда барча зарур замонавий техник кўриқлаш воситалари, дастурлари ва ускуналари мавжуд бўлиб, фуқароларимизнинг мол-мулкни кафолатли кўриқлов тизими қамрови кенгайтирилади.

Шу боис, аҳолимизга ўз уйларида техник кўриқлов тизимларини ҳамда “Ташвиш” тугмаларини ўрнатишни тавсия этаман, узоқ йиллар давомида ҳалол меҳнати билан тўплаган мол-мулки ва моддий бойликларини сақлашга бепарво бўлмаслиги ҳамда ўзгалар томонидан тажовуз қилинишига шароит яратиб қўймасликларини сўраб қоламан.

Ҳурматли ватандошлар!

Барчамиз ҳаёт тажрибамиздан яхши биламиз, бу дунёда ҳеч ким жиноятчи ёки ҳуқуқбузар бўлиб туғилмайди. Айрим инсонларнинг ана шундай хатога йўл қўйишига уларнинг атрофидаги муҳит, муайян шароит сабаб бўлади.

Шундай экан, азизлар, келинг, ҳаммамиз бир тану бир жон бўлиб, авваламбор, ана шундай салбий муҳитни, жиноятчиликка сабаб бўлаётган шароитларни бартараф этайлик!

Униб-ўсиб келаётган фарзанд ва набираларимизнинг бугуни ва келажак тақдири учун масъулият ва жавобгарлигимизни бир неча бор ошириб, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, уларнинг бахти ва қамоли учун оила, маҳалла ва жамиятда соғлом муҳит барқарор бўлишига эришайлик!

Кўпни кўрган, олижаноб халқимизнинг **“Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она”** деган ибратли нақлига амал қилиб, биринчи навбатда, ўз жигарбандларимиз, қолаверса, кўни-кўшниларимиз, ёру биродарлари-

миз фарзандларига, маҳалламиз болаларининг юриш-туриши, таълим-тарбиясига эътиборли бўлайлик!

Шу азиз Ватан – янги Ўзбекистон барчамизники. Жонажон юртимиздаги тинч ва осойишта, фаровон ҳаётни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз.

Ҳеч қачон унутмайлик, эркин ва фаровон ҳаётимизнинг энг муҳим шarti бўлган ана шундай долзарб вазифаларни ўзимиз бажармасак, ҳеч ким четдан келиб, биз учун қилиб бермайди.

Шундай экан, барчамиз, аввало, ўзимизнинг ҳуқуқий онг ва маданиятимизни, ота-боболаримиз анъаналарига садоқатимизни намоён этайлик, қонун ва қоидаларга қатъий амал қилиб, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасиз бўлиб, уларга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга яқиндан ёрдам берайлик!

Кўп миллатли халқимиз, келажагимиз эгалари бўлган азиз фарзанд ва набираларимиз бахтли ва фаровон ҳаётининг асосий кафолати ҳам айнан шундадир.

**Рустам ЖЎРАЕВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони*

**(Махсус “Янги Ўзбекистон”дан олинди. 2023 йил 23 сентябрь).**

*Аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга ошириш учун аниқ чоралар кўриш биз учун энг муҳим ва устувор вазифадир.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

*Илмий мақолалар*

**Фарходжон ХОДЖИХОДЖАЕВ,  
Акмалжон ОМОНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари  
академияси масъул ходимлари**

**ДАВЛАТ ГЕРБИ: ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ**

*Ўттиз бир йил илгари (1992 йил 2 июль) “Ўзбекистон Республикаси  
Давлат герби тўғрисида” Қонун қабул қилинган*

Бой умумқадриятлар тимсолига айланган мустақил шонли тарихимизни тиклаш, ўзлигимиз ва менталитетимизни англаш орқали улуғ авлодларимиз хотирасига юксак эҳтиром кўрсатиш, миллий анъана ҳамда урф-одатларимизни асраб-авайлаш – Янги Ўзбекистонда истиқболи учун муносиб пойдевор яратиш каби эзгу мақсадлар йўлида улкан сабъ-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Албатта, бундай жараёнларда халқимизнинг тарихий анъаналари, миллий қадриятлари ҳамда маданий-маънавий меросини ўзида акс эттирувчи тамға (герб) муқаддас рамз сифатида беқиёс аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ўзлигимиз ва бирлигимизни англаш, демократик давлат ва фуқаролик жамият қуриш йўлида дунёга танитган муқаддас рамзий тимсол – Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ташаббуси ила тасодифий бўлмаган воқелик – расмий давлат рамзлари шакллари тайёрлаш жараёнларига киришилди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1990 йил 20 июнда бўлиб ўтган иккинчи сессиясида қабул қилинган “**Мустақиллик декларацияси**”нинг 8-бандида “*Ўзбекистон ССР ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва давлат белгиларини (герб, байроқ, мадҳия) ўзи таъсис этади*”, - деб қайд қилинган эди.

Ўзбекистон Республикаси рамзий белгиларини тайёрлашга тайёргарлик кўриш 1991 йил 15 февралда “Ўзбекистон давлат байроғи ва давлат герби эмблемаларини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги Республика Олий Совети қарори эълон қилингандан сўнг, айти пайтда Давлат байроғи, герби ва мадҳиясини қабул қилиш юзасидан конституциявий комиссия тузилди.

Конституциявий комиссиянинг эксперт гуруҳига Давлат герби эмблемаси лойиҳаларини тайёрлаш ишларини давом эттириш топширилди.

Таъкидлаш жоизки, эксперт гуруҳи Давлат герби лойиҳаси бўйича тақдим этилган бир қанча намуналарни ўрганиб чиқиб, герб эмблемасининг биринчи ва иккинчи вариантлари асосчилари Хумо қуши тасвирини танлади. Хумо қуши билан боғланган халқ оғзаки ижодиёти мавзуси: уни давлат қуши, бахт келтирувчи қуш ҳамда олижаноблик ва фидокорлик рамзи эканлиги – бу тасвирнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат герби эмблемасига туширилиши учун энг муҳим далил бўлди. Яъни, ижодий ёндашган лойиҳа рассоми қуш қанотини баланд кўтариб турган пайтини тасвирлайдики, гўё у эзгулик қуши Ўзбекистон – она Ватанимизни ундаги тоғлар, чўллар, адирлар, водийлар, боғлар билан бирга қучоклаб тургандек кўриниш берди.

Давлат герби эмблемаси учинчи вариантнинг бош тасвири лойиҳа асослари сўзи билан айтганда, миллатни гуллаб-яшнатувчи мустақиллик рамзи олтин қуёш сочаётган шер тасвирига эга бўлди. Бу эмблеманинг марказий қисмида мамлакат тинчлиги рамзи – мовий рангда ислом дунёсига мансублик рамзи ярим ой, юқори қисмида эса қизил рангда зарҳал тусда ёзилган – Ўзбекистон Республикаси ёзуви ва саккиз қиррали мусамман ҳамда пастида юртимиз заминида етиштирилаётган неъматлар тасвирлари туширилган эди.

Дастлабки танлов эълон қилинган кундан тўққиз ой ўтгач, эксперт комиссияси ишлаб чиққан Давлат герби эмблемаси лойиҳасининг асосий икки вариантини матбуотда эълон қилиб, уларни халқ муҳокамасига қўйди. Олий Кенгашнинг 1992 йил январь ойида бўлиб ўтган тўққизинчи сессиясида Хумо тасвирланган лойиҳа кўпчилик овоз билан Ўзбекистон Республикаси Давлат герби учун асос қилиб олинди. Шу билан бирга сессия пайтида, ундан кейин келган мактубларда ҳам бу лойиҳанинг айрим нуқсонлари кўрсатилди. Уни такомиллаштириш учун аниқ таклифлар киритилди. Шу таклифлар асосида аввалги лойиҳада Хумонинг боши эгик ҳолда тасвирлангани ўзгартирилиб, унинг дадил кўтарилган боши ва гавҳардай порлаб турган кўзлари ўз ифодасини топди. Аввалги лойиҳада бахт ва эзгулик қушининг атрофи хувиллаган уйдаи очик қолдирилгани нуқсон деб тан олинди ва бу нуқсонни бартараф этиш учун Ўзбекистоннинг аввалги Давлат герби тасвирларидан ва танловга келган



бошқа лойиҳаларнинг айрим фазилатларидан фойдаланиш зарур деб топилди.

Ўзбек давлати ва халқининг ҳаёт йўли ҳамиша нурли янги Ўзбекистондан ниҳоятда гўзал табиий иқлим шароитини ҳам кўрсатиб турадиган Қуёш тасвири ва ризқ-рўзимиз бўлмиш Ғалла ҳамда миллий бойлигимиз Пахтанинг тимсоли киритилди.

Шу таклифлар асосида 1992 йил 2 апрелда рўзномаларда Давлат гербининг Хумо қуши тасвирланган янги икки лойиҳаси эълон қилинди. Дастлабки танловда иштирок этган учинчи лойиҳа элементларидан бири собитлик ва барқарорликни ифодалайдиган саккиз қиррали мусамман тасвири ҳам янги лойиҳаларнинг юқорисига туширилди. Саккиз қиррали мусамман ичига қандай тасвир бериш масаласида мунозара бўлганлиги учун янги танловга лойиҳанинг икки варианты қўйилади. Биринчи вариантнинг иккинчисидан фарқи шунда эдики, уларнинг бирида ой ва юлдуз тасвири туширилди. Шу вариантлар 1992 йил 2 апрелда матбуотда умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинган кундан то 2 июль кuni Республика парламентининг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлагунга қадар Олий Кенгашга барча вилоятлардан 543 та мактуб ҳамда 6 та шошилинонома келган эди. Уларнинг ҳаммаси ўрганилганда, Давлат герби эмблемасининг ой ва юлдузлик биринчи вариантга 168 минг 938 киши тарафдор эканлиги, иккинчи вариантини эса 9642 киши қўллаб-қувватлагани маълум бўлди. Мактуб йўллаганларнинг 90 фоизидан ортиғи муҳокамага қўйилган Давлат герби эмблемаси лойиҳаларининг биринчи вариантини маъқуллаганлари аниқланди. Парламент кўпчилик овоз билан биринчи вариантни Ўзбекистон Республикаси Давлат герби эмблемаси сифатида тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида 1999 йил 15 апрель, 2003 йил 25 апрель, 2004 йил 3 декабрь ва 2010 йил 24 декабрда қабул қилинган қонунларга мувофиқ қўшимчалар киритилди. Герб давлатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, миллий, хўжалик, жўғрофий, этник ва бошқа ўзига хос хусусиятлари ҳамда халқимиз бой тарихий анъаналарини мужассамлаштирган бўлиб, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва давлат тузилиши тамойиллари ўзига хос тарзда ифода этилган. “Ўзбекистон Республикаси давлат герби тўғрисида”ги Қонунга биноан Ўзбекистон мамлакат Давлат герби республика давлат мустақиллигининг рамзидир.

Республиканинг асосий рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши учун икки ярим йилдан кўпроқ муддат кетганлигини (фақат герб икки йилу ўн икки кунда) ҳисобга олсак, тарихий-сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан янги Ўзбекистонимиз жаҳон майдонига кўтарилди!

Мамлакат фуқаролари, шунингдек, юртимизда яшаётган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикаси Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Ўзбекистоннинг Давлат герби республиканинг рамзий белгиси сифатида фақат қонунда кўрсатилган объектларга тавсия этилади.

Замонлар ҳар хил рангларга эга бўлади. Лекин раҳмдиллик, шавқат, оққўнгиллик, кечиримлилик (Парвардигори олам кечиримли бандаларини яхши кўради – *Хадисга мос*), инсонийлик туйғулари ҳеч қачон ўзининг устуворлиги ҳамда улуғворлигини йўқотмайди, улар ўлмасдир! Соҳибқирон Амир Темур гуноҳкорларни адолат нуқтаи назаридан, ўз ихтиёри билан кўнгил амрига суяниб кечирган. Муҳтарам Шавкат Мирзиёев адолат тамғасини баланд кўтариб, маҳкумни авф этади. Буни ҳаётбахш қонун, деймиз. Ўйлаб қоласан киши. Ҳазрат Алишер Навоийнинг шундай байти бор:

*Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлагай,*

*Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.*

Яъни: кимки бир кўнгилни шод айласа, бамисли Каъба вайрон бўлса, уни обод қилган одамдай савобга қолади!

Бу ерда бир эмас, балки, олти мингга яқин одамнинг кўнгли нурафшон, хотираси шод бўлди... Унинг савоби қанча бўлар экан-а? Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг бетакрор ишчи кучи кўпайди, кўпаяверсин, илоё!?

- *Тингловчиларга ёрдам*

## **Алломалар бисотидан**

### **ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР**

*Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида фидокорлик кўрсатиб, миллий таълим ва тарбия тизимини яратишга беқиёс ҳисса қўшган Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқори Абдурашидхоновларни “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланганини сизларга ва бутун элимизга мамнуният билан айтмоқчиман.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

**Атоқли давлат ва жамоат арбоби Абдулла Авлоний миллий тарбия бўйича жадиличлик ҳаракатининг асосчиларидан бири. “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”! Унинг бу борада шиорга айланган ғояси ҳозирги пайтда ҳам ўзининг ибратомуз омилига эга бўлиб, нафақат юртимиз миқёсида, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳам ўзининг улкан тарбиявий аҳамиятини намоён этмоқда.**

Ўйлайманки, Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари, тингловчилари, умуман жамоа миллий тарбиянинг тамойилларини ўзлаштиргани қувончли ҳолдир.

Мен алломанинг Ватан – саждагоҳ каби муқаддас эканлиги тўғрисидаги ўта қимматли, айна пайтда долзарб ғояларига тўхталиб ўтаман. Чунки, устоз Абдулла Авлоний илм-фан ҳамда амалиётда кўп қиррали олим, жамоат арбоби бўлгани халқимиз ва ёшларимизга сир эмас. У Ватан ҳақида қиёсий, аммо асрлар оша ўз аҳамиятини йўқотмайдиган ноёб фикрини шундай ифодалаган эди: “Биз Туркистонликлар, ўз Ватанимизни жонимиздан ортуқ суйдигимиз каби араблар Арабистонларини; қумлик, иссиқ чўлларини, аскимўлар Шимол тарафларини, энг совуқ, қор ва музлик ерларини бошиқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз Ватанларини ташлаб ҳижрат қилурлар эди”.

**Боболаримиз “Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл”, – демишлар”!** (Туркистон гулистон ёхуд ахлоқ. 1914 йил. 47-б).

Бундай халқаро миқёсда фикр юритиш, айтиш лозимки, ўша даврга нисбатан (юз ўн йиллар олдин, айти мустамлакачилик авж олган бир пайтда) Ватанга жуда катта садоқат жасорати эди! Ҳозирги пайтда бобомиз Абдулла Авлонийнинг миллат, ўзлик, менталитет, ватанпарварлик каби ўта қадрли тафаккурини курсантларимиз ва тингловчиларимиз ўрганиб, ўзлаштиришлари айти муддао – бу ўз миллати, юртига, она Ватанига меҳр-оқибат ва мурувват кўрсатишнинг олий тарбиявий ибрат-намунасидир, деб ўйлайман.

Мен шу ўринда атоқли олимимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофиддиновнинг фикрини келтираман: “Фақат ўз юртини, ўз миллатини яхши кўрган, уни бенуқсон кўришни истаган адибгина ҳеч қанақа таъна-дашномлардан кўркмай, инсон ҳақидаги ҳақиқатни рўйи-рост тасвирлайди”. Демак, Озод домланинг адибга қўйган тамал тоши айнан Абдулла Авлонийга тегишли. Яъни, миллат ҳақида, Ватан ҳақида ҳақиқатни айтиш учун катта жасорат ва мардлик керак!? Менинг бу сўзларим айти ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими, айниқса ички ишлар органлари ходимлари ва тингловчиларга тааллуқлидир.

### *Алломанинг таржимаи ҳолига бир назар*

У 1878 йилнинг 12 июлида Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасининг Мерганча маҳалласида таваллуд топди. Абдулла 7 ёшдан Ўқчидаги Ақромхон домлада савод чиқарди. 1890 йилда шу маҳалладаги мадрасада ўқий бошлади. Сўнг Шайхонтоҳурдаги Абдумаликбой мадрасасида Мулла Умар Охунда таҳсил олди.

Адабиётга ҳавас унда шу йиллари уйғонди. Навоий шеърятига, Фузулий ғазалларига меҳр қўйди. Сўнгра иштиёқ билан форс тилини ўрганди. Абдурахмон Жомий, Саъдий Ҳофизнинг олаmidан завқ-шавқ олди. Ниҳоят булар ўз самарасини берди. Ўзи камтарона қайд қилганидек “шеър” ёзишга тутинди. У бинойидек шоир, насрнавис бўлиб етишди. Сўнгги йилларда публицистик мақолалар ёзишга киришди.

Унинг куёви (Сарвинисо қизининг турмуш ўртоғи) Мирёқуб, ўша даврнинг кўплаб зиёлилари каби қатағон бўлиш хавфи туфайли Туркияга кетади. Сарвинисо икки ёшли қизи Туйғуной билан ота уйига қайтади. Юртимиз ардоғидаги севимли санъаткоримиз Гавҳар Зокирова

Туйғунойнинг қизи бўлиб, Абдулла Авлонийнинг эварасидир. “Йиллар ўтиб Мирёкубнинг отаси, аёли, кейинчалик келинини ҳам НКВД ходимлари тинмай сўроққа тортишар, бор “ҳақиқат”ни айтишлари учун уриб-калтаклаш усулларида ҳам воз кечишмасди. Бечора отанинг бу зулмга чидамай, тез орада жони узилди. Сарвинисо қийноқли сўроқлардан хасталаниб, узоқ умр кўрмади. Туйғуной отасини икки ёшидан бери кўрмаган бўлса-да, вояга етгач, то институтга киргунига қадар мунтазам равишда сўроқларга чақирилади...” (Ю.Ортиқова. Абдулла Авлоний аслида ким эди? “Хуррият”. 2020 йил 16 сентябрь).

Айтиш жоизки, Абдулла Авлоний ёш Шўро даврида бироз фаол маърифатчи сифатида Афғонистонда Совет ҳокимияти ваколатхонасида ишлагани уни қатағондан четлаб ўтишини тақозо этди.

Устоз домла билан турмуш ўртоғи Саломат Исломованинг Сарвинисо, Карима, Қундуз, Ҳакима қизлари, Асатилла, Оталиқ, Кенжа исмли ўғил фарзандлари бўлган. Ҳакима ва Кенжа узоқ йиллар давомида оталарининг меросини сақлаб, унга тегишли ашёларни ардоқлаб келишган. Шу ўринда Саломат аянинг зукколигига алоҳида аҳамият бериш керак. У 1934 йилдан 1966 йилгача Абдулла Авлоний асарларининг кадр-қиммати вақти келиб жуда баланд бўлишини башорат қилган эди!? Аллома 1934 йилда вафот этган.

Мен бироз бўлса-да, алломанинг ҳаёти ва ижод йўлини ўрганиб, унга нисбатан ҳурматим янада ошди. Сабаби давр тақозосига кўра, Абдулла Авлонийдаги Ватанига садоқат руҳи, унинг Афғонистондаги фаолияти, куёвининг Туркияга кетиши ва бошқалар Ватан соғинчи ила унга сажда қилишга ундайверади.

Алломанинг қуйидаги шеъри ҳайкириқи Ватанига бўлган асл муҳаббати, бутун борлиғи ила юрак нидосидир:

*Ўтар кунлар, ўтар замон,*

*Эй Ватаним, бўлма ҳижрон!*

*Мен кетсам-да, сен бўл омон!*

*Омон – Ватан, Ватан – омон!*

(«Мактаб гулистони», 1916 йил. 34-б).

Дарвоқе, бугунги кунда аллома Абдулла Авлоний каби собиқ совет даврида яшаб ижод этган ватанпарвар адибларимизнинг ҳаёти, ижоди ҳамда таржимаи ҳолидаги аслиятни, ҳақиқатни юзага чиқариш учун қайта ўрганиш ва ҳаққоний тарихни яратиш вақти келди. Ўйлайманки, бирор

ижодкор йўқки, ўз юрти – Ватанини қуйламаган бўлсин?! Мен маърифатпарвар айти пайтда Ватанига садоқат руҳини сингдирган Абдулла Авлонийнинг ушбу шеърини Сиз, азиз ёшларга ҳавола этаман:

*Ватан, Ватан дея жоним  
танамдан ўлса равон,  
Банга на гам қолур  
авлодима ую Ватаним.  
Ғубора дўнса гамим йўқ  
вужуд зери ваҳм.  
Чароки ўз Ватаним  
ҳокидур гўру кафаним.  
Туғуб ўсган ерим ушбу  
Ватан вужудим хок,  
Ўлурса аслина рожеъ  
бўлурми ман гамнок.*

**Баҳодир МАТЛЮБОВ,  
генерал-лейтенанат, доцент.**

*Қонунлар ижросини самарали ташкил этиши, тизимли муаммоларни олдиндан кўра билиши, қонун бузилишининг салбий оқибатларига қариши курашиши билан бирга, бундай ҳолатни барвақт бартараф этишига қаратилган тизимни шакллантириши айтиқса долзарбдир.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

**Бахтиёржон МУРОДОВ,**  
*юримик фанлари доктори, профессор,*  
**Мухсинжон СУЛТОНОВ,**  
*мустақил тадқиқотчи,*  
**ЎЗР ИИБ Академияси масъул ходимлари**

## **АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШНИ АНИҚЛАШ – ЎЗГАЛАР МУЛКИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МУҲИМ ЭЛЕМЕНТЛАРИДАН ҲИСОБЛАНАДИ**

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятларини тергов қилиш жараёнларида унинг содир этилиш босқичларини алоҳида ажратиб олиш эса юзага келган текширишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур босқичлар сифатида муайян даражада қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- *жиноятга тайёргарлик кўриши;*
- *жиноятни содир этиши;*
- *жиноят излари ҳамда талон-тарож қилинган мол-мулкни яшириш ва тасарруф этиши.*

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкини талон-тарож қилишни текшириш учун гумон қилинувчининг у соҳадаги айрим маълумотлари билан боғлиқлигини кўриб чиқиш муҳим саналади. Мазкур боғлиқликларни ўрганиш жараёнида гумонланувчининг фойдаланувида бўлган қурилмалар интернет браузер дастурининг ҳисоботлар тарихи журнали, режалаштирилган талон-тарож билан боғлиқ маълумотларнинг кидируви тўғрисидаги маълумотлар, ижтимоий тармоқлардаги ёзишмалар, форум саҳифаларида қолдирилган изоҳларни ўрганиш лозим бўлади.

Айни пайтда ахборот технологиялари ёрдамида ўзгалар мулкини талон-тарож қилишга тайёргарлик кўриш жараёнидаги ҳаракатлар схематик тарзда, яъни кетма-кетлик шаклида тақдим этилиши мумкин. Дастлаб, гумон қилинувчи талон-тарож мақсади ўғирланадиган мол-мулкни танлайди. Бунинг учун, у ушбу мол-мулк ёки унга бўлган ҳуқуқлар билан боғлиқ маълумотларни ўрганади. Сўнгра ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш учун ҳам анъанавий, ҳам ахборот технологиялари соҳасидаги ахборот-техник ва дастурий воситаларни қидириб топади. Зарарли

компьютер дастурлари ва Интернет сайтларини яратиш, домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва банк пластик карталарини сотиб олиш ишларини олиб боради. Бундан ташқари, гумон қилинувчи ўғриликни содир этиш учун зарур бўлган маълумот ва махсус билимларни олиши, масалан, молиявий ва банк операцияларини пухта ўрганиши, махсус дастурий таъминотнинг ишлаш механизмларини ўзлаштириши лозим.

Шуни инобатга олиш керакки, гумон қилинувчи жиноят содир этишдан олдин таҳлилий ишларни амалга оширади ва жиноят содир этилиши ҳамда уни яшириш имкониятини олдиндан режалаштиради. Масалан, ўғрилик содир бўлган вақтни танлаши, жабрланувчи ва бошқа шахслар томонидан мол-мулкни ҳимоя қилиш бўйича кўрилган чораларни ўрганиши, жабрланувчининг ҳисоб варақларидаги қолдиқ маблағлар миқдори, уни эгаллашдаги заифликлар ҳолатини баҳолаши, пул маблағларини ўтказиш йўллари таҳлил қилиши ва жиноят изларини яшириш чораларини кўриши мумкин.

**Ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш** босқичида гумонланувчининг қўйидаги ҳаракатлари кетма-кетлиги амалга оширилган бўлиши мумкин:

1) ахборот тизимларига ноқонуний ёки рухсатсиз киришни амалга ошириш, ахборотларни киритиш, яратиш, нусхалаш, блокировка қилиш, ўчириш ва бошқа ҳаракатлар;

2) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳаракатлар, яъни аппарат, аппарат-дастурий таъминот ва дастурий таъминотдан фойдаланиш;

3) ўзгалар мулкни талон-тарож қилишнинг анъанавий шакллариға хос ҳаракатлар. Жумладан, алдаш, сохта ҳужжатлардан фойдаланиш, техник қурилмалар ва банк карталари ҳамда бошқаларни яширинча ўғирлаш;

4) ўзгалар мулкни тўғридан-тўғри эгаллаб олиш, уни ўзлаштириш бўйича ҳаракатлар;

5) ўзлаштирилган мулкни тасарруф этишга қаратилган ҳаракатлар.

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда Жиноят содир этиш босқичининг тақсимланиши ўзгалар мулкни талон-тарож қилишнинг алоҳида турларини ўрганишда шаблон сифатида фойдаланиш мумкин. Бунга янада чуқурроқ ёндашиш учун жинойий ҳаракатлар мажмуасига мурожаат қилиш лозим бўлади[1].



Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ахборот муҳитида гумон қилинувчи томонидан қўйидаги ҳаракатлар амалга оширилади: ахборотни узатиш (58%), ахборотни яратиш (55%), ахборотни киритиш (52%), ахборотни ўзгартириш (48%), компьютер ахборотини нусхалаш (34%), ахборот шаклини билган ҳолда ёлғон маълумотларни киритиш (13%), сақлаш воситаларининг ишлашига тўсқинлик қилиш ва ахборотни қайта ишлаш (8%), компьютер ахборотларини ўчириш (7%), ҳамда тўсиб қўйиш (3,5%), ва чеклаш (1,2%) [2].

Компьютер ахборотларини киритиш жараёнида автоматик равишда янги маълумотлар яратилади. Ушбу ҳаракатлар, турли хил ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича ҳаракатлар билан бир қаторда, ахборот тизимларига ноқонуний киришни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар мажмуини ҳам ташкил қилиши мумкин (38%) [3].

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш бўйича белгиланадиган навбатдаги ҳаракатлар гуруҳи гумон қилинувчи томонидан **ахборот технологиялари воситалари ва бошқа воситалардан фойдаланиш** ҳисобланади. Бунда банк карталаридан пул маблағларини қўлга киритиш, зарарли компьютер дастуридан ва мобил иловадан ўғрилиқ воситаси сифатида фойдаланишга қаратилган ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин.

Пул маблағларини ўғирлаш учун банкоматга ўрнатилган банк карталари маълумотларини ўқиш учун мўлжалланган махсус қурилманинг (“Скимминг” деб номланади) ишлаш принципи компьютер ахбороти билан боғлиқ ҳаракатлардан сезиларли даражада фарқ қилади. Масалан, бир гуруҳ шахслар томонидан ўғрилиқ қилиш мақсадида “скиммер” техник мосламасидан фойдаланганда, олдиндан келишилган ҳолда маълумотларни қайта ишлаш жараёнларининг қўйидаги кетма-кетлиги амалга оширилади:

а) банк картаси магнит чизиқлари “скиммер” қурилмаси орқали ўтаётганда, банк карталарининг индивидуал рақамли хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар ўқилади,

б) мазкур маълумотлар “скиммер” қурилмасининг сақлаш воситасида сақланди [4].

в) ушбу техник қурилмадан фойдаланиш жараёнида олинган маълумотларнинг сигналлар кетма-кетлигини қурилма хотирасида ёзув шаклида ўқиш, нусхалаш ва сақлаш каби маълумотларга ишлов бериш операциялар бажарилади.

Жиноят содир этиш доирасида ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ва растрата кўринишидаги талон-тарожнинг анъанавий турларига хос бўлган ҳаракатлар амалга оширилиши мумкин. Ушбу ҳаракатлар сифатида қуйидагилар: ҳужжатларни қалбакилаштириш, қасддан ёлғон маълумотлар тақдим этиш, банк картаси ёки мобил алоқа воситаларини қўлга киритиш кабилар назарда тутилади. Мисол учун, И. исмли шахс ўзлаштиришни амалга ошириш жараёнида: корхонанинг бухгалтерия ҳисобини юритиш учун махсус дастурдан (ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича ҳаракатлар) фойдаланишдан ташқари, сохта ҳужжатлар – ариза ва шартнома [5] (ўзлаштиришнинг анъанавий шаклини амалга ошириш механизмига киритилган ҳаракатлар) ҳам тайёрланади. Ушбу хусусиятларнинг комбинацияси ўзгаларнинг мулкни талон-тарож қилишни ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзлаштириш сифатида тавсифлай олиши мумкин.

Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайдан тугалланган деб топилади [6]. Гумонланувчи ўзгаларнинг мол-мулкни эгаллаб олгандан сўнг, уни тасарруф этиш бўйича ҳаракатлар содир этиши мумкин. Шу сабабли, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мол-мулкни талон-тарож қилиш ҳаракатларини текшириш жараёнида жиноят тугалланган вақтни аниқ белгилаш, шунингдек гумон қилинувчининг жойлашган манзили, ўзгалар мол-мулкни эгаллаб олиши, тасарруф этиши ҳолатлари ва усули ҳамда вақтини синчиклаб текшириш лозим.

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш бўйича барча ҳаракатлар иккита алоҳида, аммо ўзаро боғлиқ гуруҳ сифатида ифодаланиши мумкин:

1) гумон қилинувчининг ўзи томонидан ўзгаларнинг мулкни талон-тарож қилиш учун ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича ҳаракатлари;

2) ахборот тизимида содир бўладиган автоматлаштирилган ҳаракатлар.

Ушбу гуруҳлар элементларини ахборот тизимлари ёки дастурий таъминотнинг талон-тарож билан боғлиқ бўлмаган носозликларидан фарқлаш керак. Чунки, мутахассисларнинг фикрича, бу каби ҳолатларга

айрим ҳолларда ахборот тизимларидаги заифликлар ва камчиликлар сабаб бўлиши мумкин.

Гумон қилинувчининг ҳаракатлари ва ахборот тизимининг автоматлаштирилган ҳаракатлари тўплами қуйидаги мисолда аниқ кўрсатилган. Чунончи, юридик шахсга, бир гуруҳ шахсларга тегишли маблағларни олдиндан тил бириктирган ҳолда ўғирлаш мақсадида тўлов терминалидан фойдаланган ҳолда банк ҳисоб варақлари тўғрисидаги маълумотлар киритилди, шундан сўнг дастурий таъминот ҳақиқий деб қабул қилган маълумотни ўз ичига олган магнит тасма билан сохта ҳисоб-китоб терминал қабул қилувчига киритилди ҳамда автоматик равишда процессинг марказига, сўнгра банк ташкилотига юборилди. Бу ерда терминал эгасининг ҳисоб варағидаги маблағлар бир гуруҳ шахслар назорати остидаги бошқа ҳисоб варағига ўтказилди.

**Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзгаларнинг мулкани талон-тарож қилиш изларини яшириш**, шунингдек гумон қилинувчининг домен номини ўзгартиришга уриниши, компьютер маълумотларини, ахборотларни, мобил қурилмаларнинг электрон ташувчиларини, ишга алоқадор бўлган рақамли изларни йўқ қилишга қаратилган ҳаракатларни ўз ичига олади. Ушбу ҳаракатларни амалга ошириш, ўз навбатида, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда талон-тарож қилишга алоқадор бўлган “яширин излар”ни қолдириши мумкин, улар мутахассис томонидан анъанавий излар ёки ахборот технологиялари соҳасидаги излар кўринишида тақдим этилиши мумкин.

Фикримизча, ўзгалар мулкани талон-тарож қилишга тайёргарлик кўриш босқичида ҳам уни содир этиш босқичида ҳам рақамли изларни яшириш жараёни амалга оширилиши мумкин, яъни жиноятни содир этиш режалари, тактикасини, маълумот манбаларини ишлаб чиқариш воситалари сифатида йўқ қилиш мумкин. Масалан, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш жараёнида гумон қилинувчи шахс ўзи тўғрисидаги идентификацион маълумотлар ёки IP-манзил тўғрисидаги маълумотларни яширади. Ҳақиқий маълумотларни ўз ичига олган жиноят изларини яширади ёки ўғрилиқ содир этилгандан кейин қўлга киритилган мол-мулкка оид электрон ҳужжатни ўчириб ташлайди. Шундай бўлса-да, бу ҳаракатлар компьютер ахборотларини ўзгартириш ва амалга оширилган ҳаракатлар ҳақида янги изларни қолдиради.

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкини талон-тароҷ қилиш босқичларини аниқлашда гумон қилинувчининг ахборот муҳотида қолган жиноят изларини яшириш бўйича ахборот технологиялари имкониятларидан фойдалана олиш қобилиятига алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Бунда бевосита, тизимдан маълумотларни, ҳисобларни, саҳифаларни ўчириш, сохта аккаунтлар яратилиши, маълумотларни бир сервердан бошқасига йўналтириш, тармоқ орқали маълумотни узатиш, ахборот ташувчи воситаларни форматлаш ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатларни амалга ошириш учун фойдаланиши мумкин.

Бундан ташқари, гумонланувчи жисмоний таъсир орқали ҳам ахборот ташувчи воситаларни шикастлантирган ҳолда, ундаги маълумотларни ўчиришга уриниши мумкинлигини эътиборга олиш лозим. Чунки, ахборот технологиялари ёрдамида ўзгалар мулкини талон-тароҷ қилишда жиноят изларини яшириш жиноят содир этиш воситалари ва бошқа воситаларни бузиш ёки йўқ қилишни ҳам ўз ичига олади. Бу анъанавий жиноятлар учун хос бўлган ашъвий далилларни ташкил қилувчи қурилмалар ва ҳужжатларни жисмонан йўқ қилиш, шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятларга хос бўлган ахборотларни ўчириб ташлаш кўринишида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, жиноятга тайёргарлик кўриш, содир этиш ва унинг жиноят изларини яшириш босқичларини тадқиқ қилиш, гумонланувчининг хатти-ҳаракатлари кетма-кетлилиги туфайли рақамли далилларни аниқлаш, уларни исботлаш жараёнида самарали фойдаланиш учун қўллаш имкониятини беради. Шунингдек, гумонланувчи томонидан содир этилган, иш учун алоқадор бўлган бошқа ижтимоий хавфли қилмишларнинг ҳам аниқланишига хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Шеслер Александр Викторович. “Хищения: понятия и признаки”. Вестник Томского государственного университета. Право, № 4 (6), 2012, pp. 70-80.
2. Щавелева, Н. Н. Понятие и сущность хищения / Н. Н. Щавелева, Т. В. Круглова // Молодой ученый. — 2021. — № 11 (353). — С. 127-129.

3. Кочои С.М. Хищение чужого имущества: значение категорий “размер” и “ущерб” // Юридическая наука и практика: Вестник Нижегородской академии МВД России. 2017. № 1. С. 27-30.

4. URL: [https://t.me/cyber\\_102](https://t.me/cyber_102) Киберхавфсизлик марказининг телеграм ижтимоий тармоғидаги расмий канали;

5. URL: <https://iiv.uz/> Ички ишлар вазирлиги расмий веб-сайти;

6. URL: <https://lex.uz/docs/6523582> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси;

### РЕЗЮМЕ

Мақолада ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятларини тергов қилишнинг айрим жиҳатлари тадқиқ қилинган. Шунингдек, тадқиқот давомида мазкур турдаги жиноятларнинг содир этилиш босқичлари ажратиб кўрсатилган, тергов ҳаракатлари давомида аҳамият берилиши лозим бўлган айрим жиҳатлар асослантилган.

\*\*\*

В статье рассматриваются некоторые аспекты расследования преступлений по хищению чужого имущества с использованием информационных технологий. Также в ходе исследования выделяются стадии совершения данного вида преступлений, обосновываются некоторые аспекты, следует уделить внимание при проведении следственных действий.

\*\*\*

The article discusses some aspects of the investigation of crimes of theft of other people's property using information technology. Also, during the study, the stages of commission of this type of crime are highlighted, and some aspects that should be paid attention to when conducting investigative actions are substantiated.

**Баходир УЛУГБЕКОВ,**

*Малака ошириш институти бошлиги ўринбосари,  
Касбий тайёргарлик факультети бошлиги, полковник*

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИДА ШАЪНУ,  
ҚАДР-ҚИММАТ ВА ИШЧАНЛИК  
ОБРЎСИНИНГ УМУМИЙ МЕХАНИЗМИ ХУСУСИДА**

Шахс шаъну ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш масалалари ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг умумий механизми таркибида кўриб чиқиш муҳимдир. У айти пайтда конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар билан белгиланган имкониятларни инсон ҳаётида қўллаш олиши учун зарур шарт-шароитлар мажмуи ҳисобланади<sup>1</sup>. Шахс ҳуқуқларини таъминлаш механизмининг мазмун-моҳиятини шахснинг қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга оширилишини таъминловчи чора-тадбирлар ташкил этади.

Номоддий неъматларни ҳимоя қилиш ҳуқуқнинг турли соҳалари томонидан амалга оширилиши мумкин: хусусан, конституциявий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ. Шу муносабат билан ҳар бир ҳуқуқ соҳаси доирасида қўллаш шартлари ҳар хил бўлган шаъну, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг тегишли усуллари мавжуд. Ушбу ҳолатлар ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарликнинг ҳар хил турлари ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама таҳлил қилишни талаб қилади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлатнинг асосий функцияларидан ҳисобланади, фуқаролик ҳуқуқларини таъминлашда алоҳида ёндашувни талаб қилади<sup>2</sup>. Қонун чиқарувчи<sup>3</sup> нуктаи назарига кўра, шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш, энг аввало, инсон ҳуқуқлари, энг муҳими, уларни таъминлаш, давлат томонидан кафолатланган ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш масаласидир.

<sup>1</sup>Хавжокова З. Б. Защита чести, достоинства и деловой репутации: теория и практика гражданско-правового регулирования : Диссертация ... кандидата юридических наук. Москва, 2009.- 205.

<sup>2</sup> Хакиева М. М. Механизм гражданско-правовой защиты граждан / Молодой ученый. — 2016. — № 29 (133). — С. 294-296. — URL: <https://moluch.ru/archive/133/37444/>.

<sup>3</sup> [https://elar.rsvpu.ru/bitstream/123456789/25223/1/RSVPU\\_2018\\_198.pdf](https://elar.rsvpu.ru/bitstream/123456789/25223/1/RSVPU_2018_198.pdf).

Фуқароларнинг ҳуқуқлари фуқаролик ҳимояси халқаро ҳуқуқ нормалари, фуқаролик ҳуқуқининг тамойиллари ва унинг механизмининг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи омилларга таянган ҳолда умумэтироф этилган тамойилларга мувофиқ амалга оширилади.

Фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя механизми – мураккаб, кенг тушунча бўлиб, унга фақатгина юрисдикциявий муҳофаа масаласи сифатида тор қараш нотўғри бўлади. Фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя механизмини мазмунини яхшироқ англаш учун унинг таркибий қисмлари тузилишини ўрганиш шарт ҳисобланади.

Шаъну, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш учун фуқаролик даъвосини кўзғатиш имкониятини ўз ичига олган фуқаролик-ҳуқуқий механизми ва ўз-ўзини ҳимоя қилиш усулларида бири ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш шакллари тушунчаси ва таснифини аниқлаш бўйича турли хил фикрлар мавжуд. Баъзи тадқиқотчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг иккита шаклини, бошқалари эса уchtасини ажратиб кўрсатадилар. Хусусан, Т.В. Черкасова шаън, кадр-қиммат<sup>1</sup> ва обрў-эътибор масалаларини шахсининг ушбу шахсий номулкий ҳуқуқлари камситилмағунига қадар фуқаролик ҳуқуқи объекти деб ҳисобламаслигини таъкидлаб ўтади, унинг фикрига кўра, қонун ваколатли шахс амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатларни белгиламайди, балки шахсий дахлсизлик номоддий манфаатлар ва уларни ҳимоя қилиш усуллари ҳақидагина нормалар келтиради. Шу билан бирга, кадр-қиммат, шаън, обрў каби номоддий неъматларни ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усулларидадан фойдаланиш уларни фуқаролик ҳуқуқида ҳимоя қилиш муносабатларини тартибга солмасдан туриб амалга оширилмайди.

Фуқаролик қонунчилиги шаъну, кадр-қиммат ва обрў-эътиборни паймол этилғунига қадар ушбу номоддий неъматларни кўриб чиқиладиган ҳуқуқий муносабатларнинг мутлақ хусусиятидан келиб чиқадиган “*уларни бузмаслик бўйича умумий мажбуриятни белгилаш*” орқали ҳимоя қилади. Аниқроқ қилиб айтганда, ушбу номоддий неъматларга таҳдид қилинган пайтдан бошлаб фуқаролик ҳуқуқи нормалари бутун ҳимоя механизмининг

---

<sup>1</sup> Черкасова Т.В. Гражданско-правовая защита чести, достоинства и деловой репутации как форма социально-правовой защищенности граждан (По материалам судебной практики Северо-Кавказского региона) : Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.03 : Махачкала, 200. 230 с.

муҳим бўғини бўлган аниқ ҳимоя чораларини (усулларини) белгилаш орқали тартибга солинади.

Шаъну, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳуқуқий ҳимоянинг умумий механизмида фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг ўрнини аниқлашда ҳуқуқий ҳимоянинг мазмун ва моҳиятини таҳлил қилиш ўринли бўлади.

Ҳуқуқий ҳимоя масаласини тадқиқ этган тадқиқотчилар ушбу тушунчага турли нуқтаи назардан, турли атамалардан фойдаланган ҳолда ёндашганлар, улар орасида «*ҳуқуқларни ҳимоя қилиш*» энг кенг тарқалган атама ҳисобланган<sup>1</sup>.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш деганда<sup>2</sup>, нафақат фаол хатти-ҳаракатлар, балки ҳуқуқ субъектларининг ҳаракатсизлиги, масалан, контрагентнинг ноқонуний талабларини бажармаслик, шартномада кўзда тутилмаган иш ва хизматлар учун ҳақ тўлаш, ҳақиқий бўлмаган шартномани бажаришдан бош тортиши, шартномани бажаришдан бош тортишни ҳам тушуниш тўғрироқ бўлади.

«Кўриқлаш» ва «ҳимоя» тушунчаларини фарқлаш зарур, бизнинг фикримизча, “ҳуқуқларни кўриқлаш”, “ҳуқуқларни ҳимоя қилиш” ва “ҳуқуқий ҳимоя” тушунчаларини бир-биридан ажратмаслик керак. “Ҳуқуқий ҳимоя» – «ҳуқуқларни кўриқлаш», «ҳуқуқларни ҳимоя қилиш» ва бошқа бир қатор элементларни ўз ичига олган кенгроқ тушунча.

«Ҳуқуқий ҳимоя» атамаси юридик адабиётларда ҳам жуда турлича талқин этилади. Бир қарашда у жуда кенг ва турли хил мазмунда қўлланилади, шунингдек, тадқиқотларни ўрганиш жараёнида қуйидаги бир нечта йўналишлар мавжудлигини аниқладик:

*Биринчидан*, шахс муайян ҳуқуқ субъектининг ҳуқуқий ҳимояси;

*Иккинчидан*, ҳуқуқий муносабатлар объектларининг муайян турини ҳуқуқий ҳимоя қилиш;

*Учинчидан*, ҳуқуқнинг муайян соҳаларида ҳуқуқий ҳимоя ва халқаро ҳуқуқий ҳимоя.

Ҳуқуқий ҳимоянинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, унинг мазмун моҳиятини чуқурроқ англаш имконини беришини ҳисобга олган

<sup>1</sup> Минникес И. А. Правовая защита: понятие и механизм // <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovaya-zaschita-ponyatie-i-mehanizm>.

<sup>2</sup> Монгуш Б. С. Особенности средств защиты гражданских прав Юридические науки: проблемы и перспективы: материалы Междунар. науч. конф. (г. Пермь, март 2012 г.). — Пермь: Меркурий, 2012. - 154 с. // <https://moluch.ru/conf/law/archive/41/1661/>.



ҳолда, таҳлил асосида ҳуқуқий ҳимоянинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд<sup>1</sup>:

- ҳуқуқий ҳимоя қонун асосида амалга оширилади;
- ҳуқуқий ҳимоя ҳуқуқий воситалар ёрдамида амалга оширилади;
- ҳуқуқий муҳофазани давлат, махсус ваколатли орган ёки мансабдор шахс, шунингдек, шахснинг ўзи ҳам амалга ошириши мумкин (қонуний мудофаа);

- тегишли жараёни ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга ҳуқуқий ҳимояни амалга ошириш, бу ҳолда ҳуқуқий ҳимоя объекти ҳуқуқ ва эркинликлардир.

Ҳуқуқий ҳимоя – амалдаги қонунчилик нормаларига асосланиб, ҳуқуқий воситалар орқали амалга ошириладиган шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва ҳимоя қилишга қаратилган шахснинг ўзи, давлат, махсус ваколатли орган, мансабдор шахс фаолиятидир.

Ҳуқуқий ҳимоя ва унинг механизми борасида қатор ҳуқуқ соҳалари конституциявий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқ соҳаларида, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми билан боғлиқ тарзда тадқиқотлар, изланишлар олиб борилиб, кўпинча бу механизм ҳуқуқий тартибга солиш механизми билан белгиланади.

“Ҳуқуқий тартибга солиш механизми” тушунчаси ХХ асрнинг 60 йилларида ишлаб чиқилган. С.С. Алексеевнинг таъкидлашига кўра, у қуйидаги элементларни ўз ичига олади: норматив-ҳуқуқий база, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқий муносабатлар, маъмурий актлар, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият<sup>2</sup>ларни ўз ичига олади.

Кейинчалик олиб борилган тадқиқотларга кўра, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизми ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқий институтлар ва ҳуқуқий тартиб-қоидалар йиғиндиси бўлиб, улар орқали инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклаш амалга оширилади, қонун билан ҳимоя қилинади ва тикланади. Ушбу механизм тарафдорлари<sup>3</sup>нинг фикрларига кўра, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишнинг ягона, кенг қамровли механизми таркибида ҳозирги вақтда ўз

<sup>1</sup> Минникес И. А. Правовая защита: понятие и механизм // <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovaya-zaschita-ponyatie-i-mehanizm>.

<sup>2</sup> Алексеев С. С. Механизм правового регулирования в социалистическом государстве / С. С. Алексеев. — М. : Юрид. лит., 1966. С. 187.

<sup>3</sup> Гаврилова Ю. В. Экономические и социальные права человека и гражданина: современные проблемы теории и практики / Ю. В. Гаврилова, А. А. Крикунова, Ф. М. Рудинский, Т. А. Сошникова ; под общ. ред. Ф. М. Рудинского. — М. : Права человека, 2009. С. 495.

фаолият шакллари ва усулларидан фойдаланган ҳолда бешта механизм мавжуд:

- давлат ҳокимияти ва унинг субъектлари томонидан тақдим этилган давлат ҳимоя механизми;
- маҳаллий ҳокимият ҳимоя механизми;
- жамоат бирлашмалари томонидан ҳимоя механизми;
- ижтимоий ҳамкорларни ҳимоя қилиш механизми;
- ўзини-ўзи ҳимоя қилиш механизми.

Ҳуқуқий ҳимоя механизми мазмунини ёритишда унинг элементларини аниқлаш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан адабиётлар таҳлили асосида айтиб ўтиш керак бўлади, ҳуқуқий ҳимоя механизми куйидаги элементларни ўз ичига олади<sup>1</sup>:

- ҳуқуқий ҳимоя механизмининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи ҳуқуқий нормалар;
- ҳуқуқий ҳимоя жараёнида иштирокчилар ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар;
- ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш (ўзини ҳимоя қилиш);
- ҳуқуқий ҳимоя давлат, махсус ваколатли органлар ёки мансабдор шахслар иштирокида амалга оширилган қонунни қўллаш ҳужжатлари.

Ҳуқуқий ҳимоя қилишни А.П. Сергеев ва Ю.К. Толстой<sup>2</sup>лар юрисдикциявий ва ноюрисдикция шаклларини алоҳида ажратганлар. Ҳимоя шакли деганда, улар субъектив ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилиш бўйича ўзаро келишилган ташкилий чора-тадбирлар мажмуини тушунадилар. Юрисдикциявий ҳимоя шакли суд (умумий процессуал) ва маъмурий процессуал (махсус процессуал)дан иборат<sup>3</sup>.

Ўз навбатида, фуқаролар ёки юридик шахслар томонидан ваколатли органларга мурожаат қилмасдан ўз ҳуқуқларини ўзини ўзи ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг юрисдикцияга тегишли бўлмаган шакли сифатида квалификация қилинади.

<sup>1</sup> Минникес И. А. Правовая защита: понятие и механизм // <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovaya-zaschita-ponyatie-i-mehanizm>.

<sup>2</sup> Сергеев А.П., Толстой Ю.К. Гражданское право. Учебник в 3 т. Т. 1. М., 2005. С. 268.

<sup>3</sup> Рожкова М.А. Защита деловой репутации в случаях ее диффамации или неправомерного использования (в сфере коммерческих отношений): Научно-практическое пособие. 2015. С. 80.

Бошқа қатор олимлар, жумладан Г.А.Свердлык ва Э.Л. Страун<sup>1</sup> химоянинг учта шакли борлигини таъкидлайдилар: суд тартибида химоя қилиш, маъмурий тартибда химоя қилиш ва ўзини-ўзи химоя қилиш.

Ҳуқуқларни химоя қилиш усуллари фуқаролик ҳуқуқи томонидан назарда тутилган усуллар бўлиб, субъектив фуқаролик ҳуқуқларининг эътирози ёки бузилишининг олдини олиш ва бундай бузилиш оқибатларини бартараф этиш бўйича қонун ҳужжатлари, махсус чоралардан иборатдир.

Фуқаролик ҳуқуқини химоя қилиш механизми ҳам ўз таркибига усул ва воситаларни қамраб олади. Унинг элементлари орасида энг муҳими фуқаролик ҳуқуқларини химоя қилиш усуллари ҳисобланади. Ўзбекистон қонунчилигида мазкур тушунчанинг ҳуқуқий таърифи йўқ, шу сабабли мазкур тушунчаларга таъриф берган тадқиқотчи олимларнинг назарий ғояларига таянамиз. А.П. Сергеев таҳрири асосидаги дарсликда бу усуллар қонунда мустақамланган моддий ҳуқуқий чоралар сифатида характерланади, улар мажбурий характерга эга бўлиб, бу орқали ҳуқуқбузарга таъсир ўтказилиб, бузилган ҳуқуқлар тикланади. Фуқаролик ҳуқуқий химоя усуллари - бу фуқаролик ҳуқуқий химояси мақсадларига эришиладиган қонун ҳужжатларида белгиланган услублар ва воситалар мажмуидир<sup>2</sup>.

Уларга бузилган ҳуқуқларни тиклаш, етказилган зарарни қоплаш, бир томонлама ва икки томонлама тиклаш, олдини олиш, ҳуқуқни тан олиш ва бошқалар киради.

Фуқаролик ҳуқуқий химоя механизмининг яна бир элементи бўлиб, фуқаролик ҳуқуқларини химоя қилиш воситалари ҳисобланади. Ҳуқуқий воситалар деганда, ҳуқуқий амалиёт томонидан ишлаб чиқилган, энг мақбулини танлашни таъминлайдиган, ҳуқуқий муносабатлар субъектлари хатти-ҳаракатларининг ва фуқаролик қонунчилиги нормаларида мустақамланган, ушбу нормаларни амалга ошириш жараёнида қўлланиладиган тезкор таъсир чоралари тушунилади.

<sup>1</sup> Свердлык Г.А., Страунинг Э.Л. Защита и самозащита гражданских прав. М., 2002. С. 37., Хакиева М. М. Механизм гражданско-правовой защиты граждан. Молодой ученый. — 2016. — № 29 (133). — С. 294-296. — URL: <https://moluch.ru/archive/133/37444/>.

<sup>2</sup>Хакиева М.М. Механизм гражданско-правовой защиты граждан. Молодой ученый. — 2016. — № 29 (133). — С. 294-296. — URL: <https://moluch.ru/archive/133/37444/>.

Яна бир таърифга кўра, фуқаролик-ҳуқуқий воситалар<sup>1</sup> - бу норматив қоидалар, институтлар, мулкӣ ва шахсий номулкӣ манфаатларга эришишга қаратилган, давлат томонидан тақдим этилган ва фуқаролик ҳуқуқи соҳасида муайян функцияларни бажарадиган фуқаролик муносабатлари субъектларининг уларни амалга ошириш усуллари ва фаолиятидир.

Ҳуқуқ субъектлари манфаатларини таъминлаш ва ижтимоий фойдали мақсадларга эришиш учун ҳуқуқий ҳимоя воситалари муҳим аҳамиятга эга.

Мулкӣ ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситалари тизими қуйидагилардан иборат:

- 1) мулкӣ ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи моддий-ҳуқуқий воситалар;
- 2) мажбурият ҳуқуқий ҳимоя воситалари;
- 3) фуқаролик-ҳуқуқининг бошқа институтларидан келиб чиқувчи махсус ҳимоя чоралари;
- 4) мулк ҳуқуқи бекор қилингандан кейин қўлланиладиган ҳимоя воситалари;

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчилари муайян ҳимоя воситаларини ўз хоҳишига кўра эркин танлашлари мумкин, бу ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ихтиёрийлик ва мустақиллик тамойиллари билан боғлиқ. Фуқаролик ҳуқуқи ҳимоя воситаларининг ўзига хослиги асосан уларнинг функцияларини белгилашда намоён бўлади. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаларининг функциялари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига ҳуқуқий таъсир кўрсатиш йўналишлари бўлиб, улар орқали фуқароларнинг субъектив ҳуқуқлари тикланади.

Ҳимоя воситалари ҳимоя қилиш учун мўлжалланган муносабатларга қараб таснифланади. Мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш воситалари мавжуд.

Ҳимоя қилиш шаклига кўра, фуқаролик-ҳуқуқий воситалар ҳуқуқий ва ҳуқуқий бўлмаган, моддий ва процессуал, суд ва суддан ташқари турларга бўлинади.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг учта асосий гуруҳи ажратиб кўрсатилади:

---

<sup>1</sup> Монгуш Б. С. Особенности средств защиты гражданских прав. Юридические науки: проблемы и перспективы: Материалы междунар. науч. конф. (г. Пермь, март 2012 г.). — Пермь: Меркурий, 2012. - 154 с. // <https://moluch.ru/conf/law/archive/41/1661/>.

- тўғридан-тўғри, ҳуқуқ субъекти томонидан ҳуқуқбузарга нисбатан ундан муайян ҳуқуқ атворда бўлишни талаб қилувчи;
- бузилган ҳуқуқларни суд орқали тиклашга қаратилган ҳимоянинг суд-фуқаролик воситалари;
- бошқа ваколатли органлар томонидан қўлланиладиган муқобил ҳимоя воситалари.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг усуллари ҳимоянинг юрисдикция шаклида шу билан бир қаторда, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юрисдикцияга боғлиқ бўлмаган тарзда ҳам амалга оширилади. Ҳимоянинг бу шакли фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқларни ҳокимият органларига мурожаат қилмасдан мустақил равишда ҳимоя қилишлари билан тавсифланади. Ўз-ўзини ҳимоя қилиш кўпинча мутлақ шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларни ҳимоя қилишда қўлланилади ва ўз чегараларига эга, шунинг учун улар зарурий мудофаа ва охириги зарурат кўринишида намоён бўлиши мумкин. Тезкор чоратадбирларни қўллаш учун асос норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки шартнома ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми бузилган субъектив фуқаролик ҳуқуқини тўлиқ тиклашга қаратилган ҳуқуқий нормалар ва усуллар, шунингдек, юридик шахслар томонидан уларни қўллаш ва қўллашда амалга ошириш, шунингдек, ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланган ва қоидабузарнинг мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатларини бостиришга қаратилган давлат томонидан таъминланган органлар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти тушунилади.

Б.С.Монгуш ҳақли равишда «фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситалари» ҳуқуқий механизмлардан бири эканлигини таъкидлайди. Ушбу гуруҳни аниқлаш учун асос бўлиб, “ҳуқуқий тартибга солиш субъекти (фуқаролик муносабатлари), бажарадиган роли, функциялари (яъни, фуқаролик муносабатлари субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш), субъект таркиби (улар фақат фуқаролик ҳуқуқи субъектлари томонидан қўлланилади)<sup>1</sup>.”

---

<sup>1</sup> Монгуш Б. С. Особенности средств защиты гражданских прав. Юридические науки: проблемы и перспективы: Материалы междунар. науч. конф. (г. Пермь, март 2012 г.). — Пермь: Меркурий, 2012. - 154 с. // <https://moluch.ru/conf/law/archive/41/1661/>.

Шахсий ҳуқуқларнинг ҳимояси муҳим ўзига хос хусусияти маънавий ҳуқуқлар ва номоддий неъматлар – агар улар бузилган бўлса, ҳуқуқбузарнинг айбдор ёки айби йўқлигидан қатъи назар, уларнинг тикланиши содир бўлиши керак. Бундай ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда ҳимоя қилишнинг ҳар қандай шакллари ва усулларига рухсат берилади.

Шахснинг шаъну, қадр-қиммати, ишчанлик обрўсига боғлиқ ҳуқуқбузарлик<sup>1</sup>ларни квалификация қилишнинг қийинлиги айрим ҳолларда фуқаролик ҳуқуқбузарликлари, жиноий ҳуқуқбузарликлар, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг объекти шаън, қадр-қиммат ёки обрў ҳисобланган ташқи белгиларнинг бир-бирига мос келиши ёки маълум бир ўхшашликка эга бўлиши билан боғлиқ. Ҳуқуқбузарликларни тўғри таснифлаш қонунни қўллаш амалиёти учун жуда муҳим бўлиб, ҳуқуқ, айниқса қонунийлик тамойилларининг амалга оширилишини таъминлайди. Бошқа томондан, жазонинг мақсадларига, унинг индивидуаллаштирилиши ва адолатлилигига фақат ҳуқуқбузарликни асосли ҳуқуқий квалификация қилиш билан эришиш мумкин. Унинг нотўғрилиги энг оғир оқибатларга олиб келиши мумкин ва кўпинча, масалан, асоссиз қаттиқ ёки аксинча, асоссиз равишда енгил жазоларни қўллашга олиб келади.

Юридик адабиётлар<sup>2</sup>да фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш номоддий неъматларни таъминлаш усули сифатида тушунилади. Халқаро амалиётда, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг қарорларида «туҳмат» атамаси тез-тез тилга олинади. Бу атама лотинча «diffamatio» дан келиб чиққан бўлиб, туҳмат, яхши номдан маҳрум қилиш деган маънони англатади<sup>3</sup>.

Терминни талқин қилишда учта асосий ёндашув мавжуд. Биринчи ёндашувга кўра, туҳмат қасддан, ёлғон туҳмат қилувчи маълумотларни тарқатишдир. Ўз навбатида, иккинчи ёндашувга кўра, туҳмат - бу туҳмат қилувчи, шу жумладан ҳақиқатга асосланган маълумотларни тарқатишдир. Учинчи ёндашувда эса туҳмат ҳақиқий туҳмат қилувчи маълумотларни тарқатиш ҳисобланади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Хавжокова З. Б. Защита чести, достоинства и деловой репутации: теория и практика гражданско-правового регулирования : Диссертация ... кандидата юридических наук. Москва, 2009.- 205 с.

<sup>2</sup> Додонов В.Н., Ермаков В.Д., Крылова М.А. Указ. соч. С. 184.

<sup>3</sup> Тимошенко В.А., Смушкин А.Б. Комментарий к Закону РФ от 27 декабря 1991 г. № 2124-1 «О средствах массовой информации».

<sup>4</sup> Каменева З.В. Диффамация и ее признаки // Адвокат. 2014. № 7. С. 17.

Ўз навбатида, В.В. Шабановнинг фикрича, тухмат - бу муайян шахснинг шаъни, шахсий ва оилавий сирлари, ишчанлик обрўси, исми ва имижига зарар етказишга қаратилган ҳаракат.

Бу таъриф жуда кенг, чунки шахсий ва оилавий сирлар фуқаролик ҳуқуқининг мустақил объектлари бўлиб, ўзларининг ҳимоя механизмларига эга.

Ўз навбатида, баъзи муаллифлар олтига белги<sup>1</sup>ни кўрсатиб ўтадилар:

- ✓ шахс ҳақидаги маълумотларни тарқатиш;
- ✓ маълумотни тухмат қилувчи характери;
- ✓ маълумотни воқеликка мос келмаслиги;
- ✓ тарқатилган маълумотлар жабрланувчига тегишли бўлиши кераклиги;
- ✓ шахсан индивидуал бўлиши кераклиги;
- ✓ маълумотлар ҳақиқийлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 141<sup>3</sup>-модда билан шахснинг шаънини ва кадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тугиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарликка тортилади. Ушбу ҳуқуқбузарлик объектив томони шахс танасининг ва (ёки) жинсий аъзоларининг яланғоч ҳолдаги фото ва (ёки) видеотасвирини ўз ичига олган ахборотни унинг розилигисиз тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш ёхуд бундай ахборотни тарқатиш билан кўрқитиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139-моддасида тухмат қилганлик учун, била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатганлик учун ҳамда 140-моддада ҳақорат қилганлик учун, шахснинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 19 декабрдаги “Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъну, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни кўллаш тўғрисида”ги 5-сонли қарорининг 8-бандига кўра, юридик ёки жисмоний шахсларнинг шаъну, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни тарқатиш деганда уларни оммавий ахборот

<sup>1</sup> Гаврилова Е.В. Гражданско-правовая диффамация как гражданско-правовое нарушение // Налоги. 2010. № 29. С. 28.

воситаларида чоп этиш, хизмат таърифномаларида баён этиш, кўпчилик олдида сўзлаганда, мансабдор шахслар номига ёзилган аризаларда ёки бошқа, шу жумладан оғзаки бўлса ҳам бир неча шахсга ёхуд бир кишига хабар қилиш тушунилади. Бундай маълумотларни фақатгина ўзига алоқадор шахснинг ўзига айтиш, бу маълумотларни тарқатиш деб қаралмайди. Ўзининг шаънига ҳақоратловчи маълумотлар айтилган, шунингдек тухмат қилинган фуқаро бундай маълумотларни тарқатган шахсни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139 ва 140-моддаларига кўра жиноий жавобгарликка ёки Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40 ва 41-моддаларига кўра маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли органларга мурожаат қилишга ҳақли.

Олий суд Пленум қарорининг 10-бандида, агар аризада оммавий ахборот воситаларида тарқатилган маълумотларга раддия бериш талаб этилган бўлса, жавобгар сифатида муаллиф ва тегишли оммавий ахборот органи жалб этилишини инобатга олган ҳолда, ишни суд мажлисида кўришга тайёрлаш тартибида иш бўйича дахлдор жавобгарларни аниқлаш лозим бўлади. Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуннинг 40-моддасига кўра, маълумотлар расмий хабарларда кўрсатилган ҳолларда, суд ёлғон маълумотларни дастлаб тарқатган шахсни ҳам жавобгар сифатида жалб қилиши мумкин.

Хизмат тавсифномаларида кўрсатилган бадном қилувчи маълумотларни рад этиш ҳақидаги даъволар бўйича уни имзолаган шахслар ҳамда тавсифнома берган корхона, муассаса ёки ташкилот жавобгар ҳисобланади. Бадном қилувчи маълумотлар деворий ёки фуқаролик процесуал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлмаган кўп нусхали рўзномаларда эълон қилинган бўлса, эълон қилинган мақола муаллифи билан бир қаторда рўзноманинг органи ҳисобланадиган ташкилот жавобгар бўлади.

Суд мажлисида қуйидаги ҳолатлар ҳар томонлама аниқланиши лозим:

а) даъво қилинган, раддия берилиши талаб қилинаётган маълумотнинг тарқатилган-тарқатилмаганлиги;

б) бу маълумотлар юридик ёки жисмоний шахснинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказган етказмаганлиги;

в) бу маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслиги.



Тарқатилган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлаш Фуқаролик кодексининг 100-моддасига кўра жавобгар зиммасига юклатилади. Даъво қаноатлантирилган тақдирда суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларга раддия бериш усулини кўрсатиши шарт. Раддия айнан шу ҳақиқатга зид маълумотни босиб чиқарган рўзномада ёки бошқа оммавий даврий нашрда эълон қилиниши лозим. Суд ҳал қилув қарорида бериладиган раддия матнини баён қилади ва у эълон қилинадиган муддатни кўрсатади.

Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар ташкилот томонидан берилган ҳужжатда ифодаланган бўлса, суд ҳал қилув қарорида бундай ҳужжатни алмаштириш мажбуриятини ўша ташкилотга юклаши лозим.

Суд ҳар бир ишнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб, жавобгарга кўпчилик олдида кечирим сўраш, тарқатилган маълумотларнинг нотўғри эканлигини йиғилишда эълон қилиш, даъвогарни бадном қилувчи маълумот хабар қилинган ташкилотга раддия ёзиб юбориш мажбуриятини юклатиши мумкин.

Шахснинг шаъну, кадр-қимматига, шунингдек, обрўсига тажовуз анъанавий равишда иккита элементни ўз ичига олади, биринчисида ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳақорат, иккинчисида тухматдир.

Ҳақорат ва маълумот тарқатиш ўртасидаги асосий фарқ шундаки, шаън ва кадр-қимматни обрўсизлантирувчи маълумотлар «тарқатилмасдан» етказилади, масалан, ҳақоратли элементларни ўз ичига олган хат, хусусан, одобсиз иборалар ёки одобсиз имо-ишоралар ва бошқалар. Яъни, агар ҳақоратомуз маълумотлар ҳуқуқбузарлик содир қилган шахсга тарқатилмасдан етказилган бўлса, бу фуқаролик жавобгарлиги ҳолатида маънавий зарарни қоплаш эмас, балки жарима шаклида маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Айтиб ўтиш жоизки, “тухмат” тегишли маълумотлар ва обрўсизлантирувчи маълумотлар бир хил нарса эмас. Обрўсизлантирувчи маълумотлар шаънни ва кадр-қимматни камситишга қаратилган, аммо тухматга алоқадор маълумотлардан фарқли ўлароқ, унда ёлғон белгиси йўқ бўлади.

Мазкур тоифадаги ишлар бўйича фуқаролик процессининг ўзига хос хусусияти шундаки, тарқатилган маълумотларнинг ҳақиқатан ҳам ишончилиги, яъни ҳақиқат эканлигини исботлаш юки жавобгар зиммасига тушади. Бундай ҳолатда, даъвогар ушбу маълумот ҳақиқатда

даъво аризаси берилган шахс ёки ташкилот томонидан тарқатилганлигини исботлаши керак; яъни даъвогардан унга тарқатилган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини исботлаш талаб қилинмайди.

Хулоса қилганда, шаъну, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўси ҳуқуқий ҳимоянинг умумий механизмида фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг ўрни алоҳида ўзига хос усул ва воситалари билан ажралиб туради. Демак, ўзига хослиги конституциявий, жиноий ва маъмурий ҳуқуқнинг ҳимоя қилиш механизмларидан ҳуқуқи бузилган шахсга ҳимоя қилиш усул ва воситаларни танлаш имкони берилганлиги ҳамда юрисдикциявий ва ноюрисдикциявий шаклда ўзи шахсан ҳимоя қилиш имконининг яратилганлиги билан ажралиб туради. Фуқароларнинг шаъну, кадр-қиммати ва обрўсини фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида, қонунчиликда шаъну, кадр-қиммат, обрў, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш каби тушунчаларнинг юридик таърифини ишлаб чиқиш зарур. Суд амалиётида ҳам фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя аҳамиятини ошириш учун унинг механизмини такомиллаштириш, маънавий зарарни ундиришнинг аниқ мезонларини аниқлаш, касбий фаолиятда шаън-шавкат ва кадр-қимматни тиклаш масалалари бўйича алоҳида концепция ишлаб чиқиш зарурати мавжуддир.

## РЕЗЮМЕ

Муаллиф мақолада фуқаролик ҳуқуқида конституциявий ҳуқуқлардан ҳисобланган инсоннинг шаъну, кадр-қимматини ҳимоя қилишнинг юридик жиҳатларини кўриб чиқади. Хусусан, ҳуқуқий ҳимоя ҳамда унинг юридик механизми тушунчаларини юридик адабиётларда келтирилган ёндашувлар асосида таҳлил қилади, бу борада кўп қарашлар мавжудлигига эътибор қаратади. Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя механизмини алоҳида ўрни ҳақида фикр юритиб, унинг усул ва воситаларини келтиради. Мақолада шаъну, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишда фуқаролик ҳуқуқий ҳимоянинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаб таҳлил қилади ҳамда тегишли хулосалар асосида таклифлар беради.

\*\*\*

В статье автор анализирует правовые аспекты защиты чести и достоинства человека, которое считается одним из конституционных прав в гражданском праве. В частности, анализируются понятия правовой защиты и ее правовой механизм на основе подходов, представленных в юридической литературе, и обращается внимание на существование нескольких точек зрения на этот счет. Также он рассуждает об особой роли механизма гражданско-правовой защиты и приводит его методы и средства. В статье выявлены особенности гражданско-правовой защиты при защите чести, достоинства и деловой репутации, а также предложены предложения, основанные на соответствующих выводах.

\*\*\*

In the article, the author analyzes the legal aspects of protecting the honor and dignity of a person, which is considered one of the constitutional rights in civil law. In particular, it analyzes the concepts of legal protection and its legal mechanism based on the approaches presented in the legal literature, and draws attention to the existence of several views in this regard. Also, he thinks about the special role of the civil legal protection mechanism and gives its methods and means. The article identifies the specific features of civil legal protection in the protection of honor, dignity and business reputation, and offers suggestions based on relevant conclusions.

**Алимжан МАТЧАНОВ,**  
*Начальник кафедры организационно-штабной деятельности  
Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук,  
профессор, полковник*

**КРИМИНАЛИСТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ МЕТОДИКИ  
РАССЛЕДОВАНИЯ КИБЕРМОШЕННИЧЕСТВА В  
ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ  
ВНУТРЕННИХ ДЕЛ**

В Указе Президента страны УП-60 от 28 января 2022 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» семнадцатой целью является формирование нового имиджа правоохранительных органов и ориентация их деятельности на эффективную защиту интересов, чести и достоинства, прав и свобод народа. В ней прямо указано о превращении органов внутренних дел в народную профессиональную структуру в качестве надежного защитника народа[1]. Это касается различных сторон жизни общества и в частности борьбы с различными видами преступлений в информационно-коммуникационном пространстве.

В Республике Узбекистан правоохранительные структуры, в частности органы внутренних дел (ОВД) выполняют задачи направленные на обеспечение общественной безопасности, общественного порядка в обществе. Одним из глобальных проблем является преступления, совершаемые с использованием информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) в виртуальном киберпространстве. Выполнение этих задач во многом зависит от оптимального механизма обеспечения организационно-аналитической деятельности ОВД в правоприменительной практике посредством использования частной криминалистической методики раскрытия и расследования преступлений в рассматриваемой сфере высоких технологий.

Следует признать тот факт, что развитие современного мира предполагает широкое внедрение новых информационно-коммуникационных технологий (ИКТ), которые сделали нашу жизнь более легкой и комфортной. Но наряду с положительными сторонами, использование ИКТ предоставила возможность совершения преступлений

в информационном пространстве посредством компьютерных и иных технических средств используемых в Интернете и в локальных сетях. Возникшие возможности незаконного проникновения в виртуальную информационно-телекоммуникационную сеть с целью криминального обогащения получили название «киберпреступления» (слово «cyber» пришло из греческого, где «кибернетикой» называют науку об управлении и передаче информации среди людей и машин).

Согласно последним данным возможные потери мировой экономики в 2021 году от действий хакеров может достичь 6 трлн. долларов США. Значительное влияние на рост такой преступности оказала эпидемия COVID-19, из-за которой практически все люди перешли в онлайн-пространство. По данным Всемирного Экономического Форума ущерб мировой экономике от киберпреступности в 2022 году прогнозируются потери в 8 триллионов долларов, а в 2030 году они могут достигнуть 90 триллионов – эта цифра превышает объемы мирового ВВП сегодня<sup>1</sup>.

Одной из распространенных разновидностей преступлений в рассматриваемой области является мошенничество посредством использования информационно-коммуникационных технологий или Интернет-мошенничеством, которые принято называть кибермошенничеством. Это один из видов киберпреступления, целью которого является обман пользователей посредством злоупотребления доверием приводящее к совершению общественно-опасного деяния посредством хищения конфиденциальных данных. При этом это приводит к тому, что преступник незаконно получает доступ и каким-либо образом использует личную информацию потерпевшего в виртуальном пространстве. Это прежде всего относится к банковской сфере, где очень распространено мошенничество посредством пластиковых банковских карт и их виртуальных реквизитов<sup>2</sup>.

Самыми распространенными их видами являются «Нигерийские письма», «фишинг», «вишинг» и «фарминг». Эти преступления создали беспрецедентные условия для их совершения с помощью телекоммуникационных технологий в инновационном виртуальном пространстве, не признающем национальных границ.

<sup>1</sup> <https://www.tadviser.ru/index.php/>

<sup>2</sup> Филиппов М. Н. Особенности расследования краж и мошенничеств, совершенных с использованием банковских карт и их реквизитов / М. Н. Филиппов. – М.: «Юрлитинформ», 2014. – 160 с.

Например, «Нигерийские письма» (Advance-fee scam, буквально «Мошенничество с предоплатой») представляют собой вид мошенничества, типа писем счастья, получивший наибольшее развитие с появлением массовых рассылок по электронной почте (спама). Письма названы так потому, что особое распространение этот вид мошенничества получил в Нигерии, причём ещё до распространения Интернета, когда такие письма распространялись по обычной почте. Как правило, мошенники просят у получателя письма помощи в многомиллионных денежных операциях, обещая солидные проценты с сумм. Если получатель согласится участвовать, у него постепенно выманиваются всё более крупные суммы денег якобы на оформление сделок, уплату сборов, взятки чиновникам, и т. п. В настоящее время этот вид является одним из самых распространённых видов мошенничества в Интернете и ему присвоен код<sup>1</sup>.

Другой разновидностью является «фишинг» (англ. phishing, от fishing — рыбная ловля, выуживание и password — пароль) цель которого является получение идентификационных данных пользователей (хищение паролей, номеров кредитных карт, банковских счетов и другой конфиденциальной информации). Это преступление представляет собой пришедшие на почту поддельные уведомления от банков, провайдеров, платежных систем и других организаций о том, что по какой-либо причине получателю срочно нужно передать или обновить личные данные<sup>2</sup>.

Следующей разновидностью Интернет-мошенничества является «вишинг» (англ. Vishing – от voice phishing) представляющие вид телефонного мошенничества, позволяющий похищать у клиентов банков конфиденциальную информацию для последующего собственного обогащения. Клиент получает звонок от автоинформатора, который сообщает, что с картой, например, производятся мошеннические действия, и дает инструкции перезвонить по определенному номеру. Далее, следуя инструкциям автоответчика, клиент должен сообщить или ввести на телефонной клавиатуре реквизиты карты. Иногда злоумышленники сами звонят жертвам, убеждая, что являются сотрудниками банка. Следует знать, что в телефонных разговорах с клиентом работники банка никогда

<sup>1</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki> Нигерийские письма (дата обращения 30.08.2023 год).

<sup>2</sup> <https://encyclopedia.kaspersky.ru/knowledge/what-is-phishing/>.

не спрашивают полный номер карты, тем более не требуют сообщать ПИН-код<sup>1</sup>.

Еще один вид кибермошенничества «фарминг» («pharming» — производное от слов «phishing» и англ. «farming» – занятие сельским хозяйством, животноводством). под которым понимается процедура скрытного перенаправления жертвы на ложный IP-адрес. Для этого может использоваться навигационная структура (файл hosts, система доменных имен (DNS)).

Если в классическом «фишинге» распространяются письма электронной почты среди пользователей социальных сетей, онлайн-банкинга, почтовых веб-сервисов, заманивая на поддельные сайты пользователей, ставших жертвой обмана, с целью получения их логинов и паролей. В схеме классического фишинга основным «слабым» звеном, определяющим эффективность всей схемы, является зависимость от пользователя – поверит он преступнику или нет. Банки, социальные сети, прочие веб-службы предупреждают о разнообразных мошеннических приемах с использованием методов социальной инженерии. Все это снижает количество откликов в фишинговой схеме – все меньше пользователей удастся завлечь обманным путём на поддельный сайт. Поэтому злоумышленники придумали механизм скрытого перенаправления пользователей на фишинговые сайты, получивший название «фарминга» Преступник распространяет на компьютеры пользователей специальные вредоносные программы, которые после запуска на компьютере перенаправляют обращения к заданным сайтам на поддельные сайты. Таким образом, обеспечивается высокая скрытность атаки, а участие пользователя сведено к минимуму – достаточно дождаться, когда пользователь решит посетить интересующие злоумышленника сайты. Вредоносные программы, реализующие «фарминг»-атаку, используют два основных приема для скрытного перенаправления на поддельные сайты — манипулирование файлом HOSTS или изменением информации DNS<sup>2</sup>.

Следует признать, что информационно-коммуникационные технологии внедряются в жизнь и развиваются гораздо быстрее и это связано с научно-техническим прогрессом в обществе. Это в свою очередь

<sup>1</sup> <https://www.banki.ru/wikibank/vishing/> (дата обращения 30.08.2023 год).

<sup>2</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/Фарминг> (дата обращения 30.08.2023 год).

влияет на оперативность правоохранительных органов, которые своевременно не реагируют и не внедряют эти достижения для повышения эффективности раскрытия и расследования преступлений в сфере информационных технологий. Правовое регулирование и оперативное реагирование со стороны правоохранительных органов значительно отстают от этого процесса и это является одной из актуальных проблем. Несовершенство законодательства оказывает существенное влияние и эффективность методики расследования и на оптимизацию тактических приемов раскрытия кибермошенничеств.

По мнению С.А. Нестерович кибермошенничество представляет собой, как разновидность киберпреступлений в информационном пространстве<sup>1</sup>. Они совершаются при определенных, специфических условиях виртуального киберпространства, которые необходимо выявить, и на основе научных исследований и изучения практической технологии разработать методику раскрытия и расследования кибермошенничества.

Кибермошенничество представляют серьезную угрозу для общественных отношений в сфере информационных технологий, а поэтому борьба с ними в современных условиях стала серьезной проблемой для государства и граждан<sup>2</sup>. Правоохранительные структуры государства, в том числе и следственные подразделения органов внутренних дел (ОВД), разрабатывают оптимальный механизм противодействия для их нейтрализации, определяют стратегию и тактику борьбы с кибермошенничеством.

Несовершенство действующего уголовного и уголовно-процессуального законодательства позволяет кибермошенникам избегать ответственности за совершенные преступления. Следует признать, что количество киберпреступлений в Узбекистане, за последние 3 года возросло и имеет тенденцию к дальнейшему увеличению. В частности, наблюдается рост таких преступлений как кража получение доступа к конфиденциальным данным пользователей путём проведения массовых рассылок электронных писем от имени популярных брендов, а также личных сообщений внутри различных сервисов, например, от имени

<sup>1</sup>Нестерович С.А. Проблемы расследования киберпреступлений, которые стоят перед сотрудниками следственных органов//Вестник науки и образования. №8 (44) 2018. Том 2. С.47.

<sup>2</sup>Матчанов А.А. Раскрытие и расследование киберпреступлений. – Учебно-практическое пособие. – Т. Академия МВД Республики Узбекистан, 2020. – С.7.



банков или внутри социальных сетей, под предлогом совершения платежей, вручения призов (фишинг)<sup>1</sup>.

Помимо банковских карт, мошенники находят другие способы мошенничества, например, распространение вирусов, которые попадают в компьютер жертвы при посещении скомпрометированных веб-сайтов, загрузке фальшивых приложений, открытии вредоносных ссылок.

Следует отметить, что при расследовании кибермошенничества следователи и оперативные сотрудники сталкиваются с серьезными трудностями, которые связаны с нехваткой знаний и навыков раскрытия ит расследования этих преступлений.

Факторы, способствующие совершению кибермошенничества, можно условно разделить на объективные и субъективные. К первым относятся наличие у преступника необходимого компьютерного оборудования, современного и высокотехнологичного программного обеспечения и доступ в информационную сеть. К субъективному фактору относится сам преступник, как специалист в области информационных технологий, владеющий необходимыми навыками и техническими умениями в компьютерной сфере. При этом следует учитывать, что интенсивное развитие информационно-коммуникационных технологий позволяет различным криминальным личностям совершать кибермошенничества и в этом им помогают знания технических возможностей компьютерной техники, особенностей их программного обеспечения. Данная разновидность преступной деятельности приобретает распространенный характер и все большее количество граждан, предприятий и организаций становятся жертвами кибермошенничества. На это обращает внимание А.К. Расулев, указывая на необходимость обеспечения принципа неотвратимости ответственности за эти преступления со стороны следственных органов<sup>2</sup>.

В современных условиях глобализации, цифровизации во всемирном масштабе создаются условия для взаимодействия в борьбе с кибермошенничеством. Высоким потенциалом обладают современные технологии цифрового шифрования, позволяющие кодировать любую

---

<sup>1</sup><https://kun.uz/ru/news/2022/06/17/kolichestvo-kiberprestupleniy-v-uzbekistane-za-posledniye-tri-goda-vyroslo-v-neskolko-gaz> (Дата обращения 30.08.2023 года).

<sup>2</sup>Расулев А.К. Совершенствование уголовно-правовых и криминалистических мер борьбы с преступлениями в сфере информационных технологий и безопасности: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук (DSc). – Т., 2018. – С. 37.

информацию таким образом, чтобы посторонние лица не имели доступа к ней. Но преступники-хакеры посредством незаконного доступа, посредством мошеннических действий совершают такие преступления с использованием информационно-коммуникационных технологий. Такая технология предоставляет большие возможности для совершения мошенничества в киберпространстве<sup>1</sup>.

Особенность расследования кибермошенничества заключается в обязательном использовании при их совершении информационно-коммуникационных технологий, соответственно, следователи и сотрудники доследственной проверки должны знать методику и тактические приемы, процессуальный порядок назначения экспертиз в сфере IT-технологий для эффективной борьбы с данными видами преступлений. Должностные лица, ответственные за расследования кибермошенничества, должны обладать необходимыми познаниями в области ИКТ, с оптимальными профессиональными умениями и навыками оперативно реагировать, назначать соответствующие экспертизы и проводить следственные действия, направленные на обнаружение, фиксирование и собирание цифровых доказательств в электронной форме.

Оптимизация технологии раскрытия и расследования кибермошенничества предусматривает теоретические, методические и практические направления совершенствования, где особую важность приобретают вопросы, связанные с проблемами квалификации и совершенствование процесса доказывания посредством оптимизации тактики проведения следственных действий.

В аспекте раскрытия и расследования кибермошенничества, особое внимание следует обратить на особенности использования цифровых доказательств в уголовном и оперативно-розыском процессе. Процессуальный порядок их обнаружения, получения, фиксирования и использования имеет свои особенности, связанные с их виртуальной, цифровой природой. Для успешного расследования этих преступлений органы следствия привлекают экспертов, обладающих специальными знаниями в проведении экспертиз и специальных исследований.

---

<sup>1</sup>Комаров А. А. Криминологические аспекты мошенничества в глобальной сети Интернет: дис. ... канд. юрид. наук / А. А. Комаров. - Пятигорск, 2011. - 262 с.

Практический аспект раскрытия и расследования кибермошенничества включает в себя приобретение следователями, дознавателями, сотрудниками, осуществляющими доследственную проверку и оперативно-розыскную деятельность, навыков алгоритма проведения следственных действий, оперативно-розыскных мероприятий, тактических криминалистических приемов.

Успешному раскрытию и расследованию кибермошенничества препятствует ряд факторов. Среди них можно отметить такие как: отсутствие оптимального алгоритма расследования, дефицит квалифицированных кадров среди сотрудников правоохранительных органов и специальных программ для их обучения, а также специализированных курсов повышения квалификации практических работников, раскрывающих и расследующих киберпреступления; недостаточно развит уголовно-правовой и процессуальный механизм частной криминалистической методики расследования кибермошенничества; нехватка работников умеющих эффективно пользоваться достижениями информационно-коммуникационных технологий и обладающих навыками раскрытия и расследования кибермошенничеств и др.

В целях разрешения вышеуказанных проблем, по нашему мнению, необходимо регулярно обобщать, проводить анализ следственной практики и готовить информационно-аналитические материалы о состоянии раскрываемости и расследования кибермошенничеств. Следует выявлять, обобщать и анализировать причины и условия, способствующие совершению данных преступлений, выработать комплексные меры по их устранению и проводить мониторинг практики раскрытия и расследования и распространения передового национального опыта наиболее эффективной методики расследования и тактики проведения следственных действий. Целесообразно совершенствовать инновационную, автоматизированную поисковую систему учетов, баз данных, информационных систем по вопросам раскрытия, расследования кибермошенничеств; обеспечить изучение и внедрение в практическую деятельность передового зарубежного и национального опыта применения инновационных информационных технологий в раскрытия и расследования кибермошенничеств.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада киберфирибгарликнинг асосий турларини тергов қилиш методологиясининг криминалистик жиҳатлари илмий таҳлил қилинган, хусусий методикасининг хусусиятлари, дастлабки тергов, суриштирув ва терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ходимлари томонидан қўлланиладиган тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикасини билиши кераклиги кўриб чиқилади. Ички ишлар органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида киберфирибгарликка қарши курашиш муаммоларини ҳар томонлама ўрганиш ва ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

\*\*\*

В статье проведен научный анализ криминалистических аспектов методики расследования основных видов кибермошенничества, рассмотрены особенности данной частной методики, тактики проведения следственных действий, которые необходимо знать сотрудникам подразделений предварительного следствия, дознания и органов осуществляющих доследственную проверку, оперативно-розыскную деятельность. Особое внимание уделено комплексному исследованию и разрешению проблем противодействия кибермошенничества в правоприменительной деятельности органов внутренних дел.

\*\*\*

The article provides a scientific analysis of the forensic aspects of the methodology for investigating the main types of cyber fraud, examines the features of this private methodology, the tactics of conducting investigative actions that employees of preliminary investigation units, inquiries and bodies carrying out pre-investigation checks and operational investigative activities need to know. Particular attention is paid to the comprehensive study and resolution of problems of combating cyber fraud in the law enforcement activities of internal affairs bodies.

**Меҳмонали СУВАНҚУЛОВ,**  
*Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси бошлиғи,*  
*ю.ф.н., доцент, полковник*  
**Достон ЭШҚУЛОВ,**  
*Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси*

## **МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШДА ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади мустақил, адолатли суд ҳокимиятини вужудга келтиришдан иборат. Суд нафақат уч ҳокимиятнинг бири, балки унинг юксак нуфузли ҳуқуқий ҳолати, жамият ва давлат ҳаётида инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийлик барқарор бўлишининг асосий шарти бўлиб ҳисобланади. Суд ҳокимиятининг вазифаси – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини ҳамда мамлакат конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш, қонунларни ва бошқа норматив ҳужжатларни ижро қилиш ва қўллашда қонунийлик ҳамда адолатни таъминлашдан иборатдир. Бу ислохотларнинг марказида эса аввало, инсон туришини эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Мамлакатимизда тарихан қисқа вақт ичида барча соҳалар каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда суд тизimini демократлаштириш ва либераллаштиришда янги тарихий давр бошланиб, мазкур йўналишдаги давлат сиёсати сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга олиб чиқилди.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизimini янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаб берган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизimini ислоҳ қилишнинг тарихий аҳамиятга эга бўлган босқичи бўлди<sup>1</sup>. Жумладан, суд ҳокимияти нуфузини янада ошириш, фуқароларнинг суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, суд қарорлари

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон.

барқарорлигини таъминлаш, инвесторлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, судлар тузилмаларини мақбуллаштириш орқали одил судловни амалга ошириш самарадорлигини ошириш каби йўналишларда қатор изчил ислоҳотлар амалга оширилди.

Президентимиз таъбири билан айтганда: *“Конституциямизда олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Бунинг учун суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига эришиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини, албатта, барчамиз яхши тушунамиз. Хусусан, судьяларнинг ваколат муддатини узайтириш, суд ишларида адолатли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган, етук малакали судьялар корпусини шакллантириш суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналиши сифатида қаралаётгани бежиз эмас”<sup>1</sup>.*

Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишлар моҳият-эътибори билан судлар мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, одил судлов самарадорлигини янада ошириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалда тўлиқ ҳимоя қилишга, бир сўз билан айтганда, мамлакатда ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг муҳим кафолатидир. Судларда ишларни кўриш сифатини ошириш, айниқса, фуқароларни овора ва сарсон бўлиб юришларнинг олдини олиш, шунингдек фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли ижро этишнинг самарали механизмларини жорий этиш, аҳолининг одил судловга ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек, Ҳаракатлар стратегияси бўйича *«Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»*да бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилгани бежиз эмас.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // [https://constitution.uz/uz/pages/prezident\\_maruzasi](https://constitution.uz/uz/pages/prezident_maruzasi).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш борасида берган кўрсатмаси асосида ҳамда суд ҳимоясини таъминлашдаги ортиқча бюрократик тўсиқлар сақланиб қолаётганлиги, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини такрорловчи босқичлари мавжудлиги, инвесторлар ҳуқуқларининг суд ҳимоясида бўлиши етарли даражада ташкил этилмаганлиги ва бошқа бир қатор камчиликлар суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқишни тақозо этганлиги таъкидлаб ўтилган<sup>1</sup>. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармони<sup>2</sup>га кўра Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Судьялар олий кенгаши ва судьялар ҳамжамияти билан биргаликда қонунчилик ташаббуси асосида суд тизимида 2021 йил 1 январдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори<sup>3</sup>га ва 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони<sup>4</sup>га мувофиқ, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрнатилаётган янги механизмларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда ички ишлар органларининг роли ва масъулиятини янада ошириш мақсадида 2021 йил 1 сентябрга

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

<sup>2</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 06/20/6034/1103-сон.

<sup>3</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2021 й., 07/21/5050/0280-сон.

<sup>4</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.

қадар профилактика инспекторлари ваколатига кирувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритувни тўлиқ электрон шаклга ўтказиши ва профилактика инспекторларининг суд мажлисларида «масофавий» тарзда қатнашиш амалиёти жорий этилиши, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуёи бўғинидан Республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, ортиқча овозагарчиликларнинг олдини олиш мақсадида “E-ma`muriy ish” электрон ҳужжат алмашиш тизими амалиётга жорий этилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ-4818-сон Қарори<sup>1</sup> ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 2021 йил 8 июлдаги 431-сон қарорлари<sup>2</sup>га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан “Ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни электрон шакллантириш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тўғрисида” қўшма қарор қабул қилинган бўлиб, ушбу қўшма қарорга кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 2021 йил 8 июлдаги 431-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ягона электрон иш юритув тизимини яъни “E-ma`muriy ish” тизимини ташкил этиш унинг сифатли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, шунингдек, маъмурий баённома тузишда, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда ваколатли давлат органларининг тизимидан самарали фойдаланишларини таъминлаш бўйича масъул орган этиб белгиланган.

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.09.2020 й., 07/20/4818/1255-сон.

<sup>2</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.07.2021 й., 09/21/431/0656-сон.



Ички ишлар органлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни “E-ma`muriy ish” тизими орқали юритиш, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари фақат электрон шаклда ахборот тизими орқали жиноят ишлари бўйича судларга тақдим этилиши белгиланиб, ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни электрон шакллантириш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тартиби, ахборот тизими орқали судларга маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича юбориладиган ҳужжатлар рўйхати, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг кўриб чиқиши учун судларга тақдим этилишида талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати тасдиқланган.

Ички ишлар органлари профилактика инспекторлари томонидан кўриб чиқиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш тўлиқ электрон шаклга ўтказилиб, профилактика инспекторларининг суд биносига келмасдан, масофадан туриб, суд мажлисларида “масофавий” мобил видеоконференцалоқа режимида иштирок этиши тасдиқланиб, ҳозирги кунда амалиётда тўлиқ қўлланилиб келинмоқда.

Маъмурий ишларга оид маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, умумлаштириш, сақлаш, таҳлил қилиш ва уларни ҳимоя қилиш электрон шаклда идоралараро ахборот алмашиш, ваколатли органлар томонидан ҳуқуқбузар, жабрланувчи, гувоҳ ва холислар тўғрисидаги маълумотларни судга юбориш, шунингдек, судда ишни кўриш билан боғлиқ маълумот алмашинуви фақат «E-ma`muriy ish» тизими орқали амалга ошириш, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари ёки автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар электрон алоқа тармоғи орқали реал вақт режимида «E-ma`muriy ish» тизимига конвертация қилиш йўли билан тақдим этилиши йўлга қўйилган.

«E-ma`muriy ish» тизимининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, ушбу тизимдаги маълумотлар билан фақат маъмурий ишларни кўзгатиш, кўриб чиқиш ва баённома тузишга ваколатли органларнинг мансабдор шахслари ҳамда «E-ma`muriy ish» тизимига бириктирилган ходимлар танишиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Бундан ташқари судларда маъмурий ишларни кўриш билан боғлиқ ҳар қандай маълумотлар ваколатли органлар томонидан «E-ma'muriy ish» тизими орқали электрон шаклда юборилиши шартлиги, агар иш заруратга кўра қоғоз шаклида расмийлаштирилган ҳужжатларнинг асл нусхаси талаб этилган тақдирда, ушбу ҳужжатлар тегишли суд органига тақдим этилиши кўрсатиб ўтилган.

Дарҳақиқат, суд амалиётида давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини самарали рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган, қонунчиликдаги айрим нормаларнинг мукамал эмаслиги билан боғлиқ бўлган қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Айни пайтда, қонуний ва адолатли қарор қабул қилишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш, тизимли равишда илмий ва амалий нуқтаи назардан таҳлил қилиб бориш ва уларнинг ечимини излаш, амалиётчи судьялар ва назариётчи олимлар иштирокида очик муҳокама этилиши ниҳоятда муҳимдир. Бунга мисол қилиб қуйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин:

*Биринчидан*, онлайн суддан кўзда тутилган **мақсад** - профилактика инспекторларини суд идорасига камроқ бориши, ортиқча оворагарчилигини олдини олиш, улар кўпроқ ўзларига бириктирилган маҳаллаларида профилактик ишлар билан шуғулланиши назарда тутилган эди. Аммо, ҳозирги кунда хизмат олиб бораётган профилактика инспекторлари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, материаллар «E-ma'muriy ish» тизими орқали белгиланган (pdf) шаклда судга юборилади, сўнгра эса ушбу материални асл нусхасини судга олиб боради, судья жиноят ишларидан бўшаган вақтдагина, аксарият ҳолларда куннинг иккинчи ярмида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиляётганлиги, бунда профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган томонларни судга таъминлаш мақсадида ўзининг хизмат хонасида олиб ўтириши, бунинг натижасида суд иштирокчиларининг кутиб қолишганлигини важ қилиб, профилактика инспекторига нисбатан фуқаролар томонидан асосли эътирозлари ортиб бораётгани ҳамда профилактика инспектори ўз маъмурий ҳудудларини бир неча соат очик қолдиришга мажбур бўляётганлиги сабабли турли ҳуқуқбузарликлар содир этиляётганлиги, профилактика инспекторининг оворагарчилигини икки мартаба ортиши

ва бошқа бир қанча муаммолар келтириб чиқараётганлигини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас.

*Иккинчидан*, баъзи ҳолатларда профилактика инспектори маъмурий иш материали бўйича иштирокчиларни тўплаб, онлайн суд бўлишини 4-5 соатлаб кутиб ўтиради, аммо судьянинг иш ҳажми кўпайганлиги сабабли судни бошқа кунга қолдириб юбориши, бошқа кунлар эса судда қатнашувчи шахсларни такрорий иштирокини таъминлаш профилактика инспектори жиддий муаммоларни ҳам келтириб чиқариши каби муаммоларни келтириб чиқаради.

*Учинчидан*, баъзи вилоятларда судьялар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни жиноят ишларини кўриб чиқишдан бўш бўлган вақтларда, яъни ҳафтанинг бир кунига ёки икки кунига бўлган ҳолда режа асосида олиб бораётганлиги профилактика инспекторларига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўтказилиш вақтида суд иштирок этаётган томонларни таъминлашнинг имкони бўлмаётганлиги, баъзида эса маъмурий материалларни кўриб чиқиш муддати ўтиб кетиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

*Тўртинчидан*, бундан ташқари баъзи ҳудудларда электр таъминоти узилиб қолиши ҳолатлари ҳам кузатилганлиги боис, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда фуқароларни кутиб қолиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Бу ҳам ўз навбатида фуқаронинг асосли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

*Бешинчидан*, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги 431-сон қарорининг иловаси хисобланган **“Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритув тизими орқали маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни юритиш тартиби ҳақида”**ги низомда иш бўйича ашёвий далиллар олинган бўлса, у ҳолда олинган ашёвий далиллар маъмурий иш кўриб чиқилгунга қадар шундай ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш ҳуқуқи берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан белгилаб бериладиган жойларда сақланиши, иш кўриб бўлинганидан кейин эса белгиланган тартибда ҳал этилиши кўрсатиб ўтилган бўлса-да, иш бўйича олинган ашёвий далилларни сақлаш жойлари белгиланмаганлиги сабабли, профилактика инспекторлари ўзларининг хизмат хоналарида агар махсус темир сейф бўлса ушбу сейфда сақлаши, агар махсус темир сейф бўлмаса хизмат хонада ёки автомашинасида сақлашга мажбур бўлмоқдалар. Иш бўйича олинган ашёвий далиллар

белгиланган жойларда сақланмаса йўқолиб қолиш эҳтимоли катта бўлади ва иш бўйича олинган ашёвий далил профилактика инспекториди бўлган даврда қўлида йўқолса, профилактика инспекторига нисбатан чора кўришга сабаб бўлади. Юқориди айтиб ўтилганларнинг барчаси профилактика инспекторларининг ишини қийинлаштиради ва уларнинг ишга бўлган иштиёқини маълум даражада сўндиради.

Юқориди суд билан боғлиқ муаммоларни юзага келтирмаслик учун профилактика инспекторлари содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича баённома тузмаслик, ҳужжатлар расмийлаштириб, яна уни суддан ўтказиш учун оворагарчиликларни бошдан ўтказмаслик учун, яъни жазонинг муқаррарлигини таъминланмасликка қаратилган ҳаракатларни амалга оширишга тенденцияси кузатилмоқда. Ушбу ҳолатда профилактика инспекторларининг бу ҳаракатларини қонун устуворлигини таъминлашга таҳдид сифатида қараш лозим. Юқориди ҳаракатлар содир этилганлиги ҳолатлари аниқланса, профилактика инспекторларининг белгиланган тартибда жазога тортилишлари муқаррар ҳисобланади.

Бундан ташқари, тўпланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжатларини суд томонидан ўз вақтида кўриб чиқилмаслиги маъмурий иш муддатини ўтказиб юборилиши натижасида профилактика инспекторлари томонидан МЖТКнинг 271-моддаси асосида бу иш тугатилмоқда. Бу ҳам ҳуқуқбузар шахсни жазоланмай қолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида, фуқаролар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир қилса ҳам суд томонидан жазоланмаслиги хусусида салбий фикрни шаклланиши, қонунга ҳурмат муносабатда бўлиш руҳини йўқолиши каби салбий ҳолатларни келтириб чиқишига сабаб бўлади. Фуқароларни содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун тегишли жазога тортилмаётганлиги уларни келгусида жиноят содир этишлари учун шароит яратиб беради.

Ушбу муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда судларни онлайн тарзда кўриб чиқишни мажбурий ёки мажбурий эмаслигини белгилаб, тегишли ҳудуд ИИБ билан судлари келишилган ҳолда судларни анъанавий тарзда ўтказиш ёки сайёр судлар тарзида ўтказишни, шунингдек иш бўйича олинган ашёвий далилларни сақлаш учун жойлар белгилаб берилишини таъминлаш ва профилактика инспектори томонидан ушбу

олинган ашёвий далилларнинг белгиланиши жойларда сақланиши мажбуриятини белгилашни таклиф сифатида келтириб ўтиш мумкин.

Бундан ташқари, онлайн судларда айрим маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни бевосита суд биносида ўтказиш лозим, чунки суднинг тарбиявий аҳамияти кучли бўлади, масалан биргина фоҳишабозлик билан шуғулланган шахсларни суд залига киритиш, суд жараёни ва суд залини таъсирини сезиши лозим, руҳан суддаги ҳолатдан келиб чиқиб, келгусида нафақат шу турдаги балки, бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этмаслигига эришиш мумкин.

Онлайн судларни имкон даражада узоқ масофадаги ҳудудларга қўллаш амалиётини татбиқ қилиш лозим, суд идораси яқин бўлган ҳудудларда эса судларни анъанавий шаклда ўтказиш ижтимоий фойдали бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларни фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини одил судлов йўли билан ҳимоя қилишнинг механизмларини янада такомиллаштириш, бу борада қонунчиликдаги айрим муаммоларни бартараф этишга, энг муҳими, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва модернизация қилишда, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда судьяларнинг судни онлайн тарзда ўтказилишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, профилактика инспекторлари ваколатига кирувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритувни электрон шаклга ўтказиш ҳамда профилактика инспекторларининг суд мажлисларида «масофавий» тарзда қатнашиш амалиёти жорий этилиши, «E-ma'muriy ish» электрон ҳужжат алмашиш тизими белгиланганлиги ва унинг самарали жиҳатлари қўлланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

\*\*\*

В статье, исходя из особенностей изменения онлайн-постановки судов в практике административных правонарушений, осуществляется перевод административного дела в пределах ведения инспекторов по профилактике в электронную форму и независимо от “дистанционной” формы судебных заседаний инспекторов по профилактике. Особое внимание уделено административным возможностям “системы обмена электронными документами” на практике и ее эффективным аспектам.

\*\*\*

In the article, based on the peculiarities of changes in online court proceedings in the practice of administrative offenses, the administrative case within the jurisdiction of prevention inspectors is transferred to electronic form and regardless of the “remote” form of court hearings of prevention inspectors. Particular attention is paid to the administrative capabilities of the “electronic document exchange system” in practice and its effective aspects.

### ҲИКМАТЛАР

*Агар сен бировга исталган хизмат кўрсатолсанг, аввал бу унга оғирлик қилиш-қилмаслигини ўйлаб кўр.*

**ЦИЦЕРОН.**

\*\*\*

*Ёвузлик қилмаслик ҳам эзгуликдир.*

**ПУБЛИЛИЙ.**

\*\*\*

*Ҳаёт ўйингоҳга ўхшайди: бировлар курашишига келади, бировлар савдо қилишига, бахтлилар эса томоша қилади.*

**ПИФАГОР.**

\*\*\*

*Доно аёл уйини тартибга солади, нодони эса ўз қўли билан барбод қилади.*

**СУЛАЙМОН (а.с.)**

*Илмий ахборот*

**М.М. ИНАГАМОВА,**  
*Тошкент давлат транспорт университети доценти, юридик фанлар  
бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
БАЪЗИ СТРАТЕГИК АСОСЛАРИ**

Мамлакатимизда таълим тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш мақсадида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, сўнгги йилларда таълим сифатини янада такомиллаштириш, дунёнинг ривожланган давлатларидаги энг илғор таълим тизимини миллий таълим жараёнларига жорий қилиш, таълим сифатини реал яхшилаш, ёшларининг билими ва кўникмаларини шакллантириш, уларни миллий ҳамда умуминсоний кадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, ўқитувчи касби нуфузини ва педагогларнинг сифат таркибини ошириш, дарсликлар ва ўқув методик мажмуаларни замон талаблари асосида такомиллаштириш, таълим муассасаларининг халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий моделларини барпо этиш юзасидан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ижрога қаратилди.

Хусусан, мамлакатимизда 2019 йилнинг октябрида «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси» қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингари вазифалар асос қилиб олинди. Концепция мазмуни мамлакатимиз олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини акс эттиради. Унда олий ўқув юртларида қамров даражасини кенгайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш, халқаро эътирофга эришиш ҳамда бошқа кўплаб аниқ йўналишлар белгилаб берилган. Буларнинг

барчаси таълим жараёнини янги сифат босқичига кўтариш учун хизмат қилади.

В процессе взаимодействия, с помощью инновационных технологий, научно-технических средств результаты заключения эксперта по проведенной баллистической экспертизе позволяет установить вид, систему и модель огнестрельного оружия. Посредством этого определяется исправность и пригодность для стрельбы боевыми патронами данного оперативное и посредством инновационных средств и методов. Это определяет задачи и объекты, научные основы и значение судебной баллистики<sup>1</sup>.

Исходя из этого, можно сделать вывод, что посредством информационно-коммуникационных технологий, цифровых средств и иных научно-технических разработок эксперты баллистики могут идентифицировать огнестрельное оружие, боевые припасы и иные предметы, предназначенные для осуществления стрельбы или следы оставленные ими данного быстрее и качественно. Это сказывается на эффективности взаимодействия рассматриваемых субъектов осуществляющих расследование.

В заключение можно сделать вывод, что алгоритм взаимодействия эксперта с дознавателем, следователем и органами, осуществляющими доследственную проверку, позволяет успешно решать широкий круг задач идентификационного и диагностического характера, связанных с исследованием огнестрельного оружия, боеприпасов, следов выстрела. При этом применяются современные достижения криминалистической науки, которые способствуют оптимизации алгоритма расследования. Совершенствование технологии взаимодействия эксперта с должностными лицами, осуществляющими доследственную проверку, дознание или предварительное следствие при назначении и проведении судебно-баллистической экспертизы зависит эффективность и качество раскрытия и расследования преступлений.

---

<sup>1</sup> Говенко Ю.А. Понятие, задачи и объекты, научные основы и значение судебной баллистики / Ю.А. Говенко, Э.С. Таболова // Университетская наука. – 2016. – №. 1. – С. 264-270.

---

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ўқотар қуролдан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятларни тезкор аниқлаш ва сифатли тергов қилишга қаратилган баллистик экспертизаларни тайинлаш ҳамда ўтказишда эксперт ва тергов органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг криминалистик тактикасининг хусусиятлари кўриб чиқилди. Жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш учун ишончли далил маълумотларни олиш мақсадида баллистик экспертизаларни ўтказишда эксперт бўлинмаларининг тергов органлари билан ўзаро ҳамкорлиги алгоритми юзасидан фикрини ўрганиш мақсадида илмий таҳлил ўтказилди.

\*\*\*

В статье рассматриваются особенности криминалистической тактики взаимодействия эксперта с органами следствия при назначении и производстве баллистических экспертиз направленной на быстрое раскрытие и качественное расследование преступлений совершаемых с применением огнестрельного оружия. Проведен научный анализ, изучения мнения ученых криминалистов относительно алгоритма взаимодействия экспертных подразделений с органами следствия в проведении баллистических экспертиз с целью получения достоверной доказательственной информации для раскрытия и расследования преступлений.

\*\*\*

The article discusses the features of forensic tactics of interaction between an expert and investigative authorities in the appointment and production of ballistic examinations aimed at the rapid detection and high-quality investigation of crimes committed with the use of firearms. A scientific analysis was carried out to study the opinion of criminologists regarding the algorithm for the interaction of expert units with investigative agencies in conducting ballistic examinations in order to obtain reliable evidentiary information for solving and investigating crimes.

*Тарих*

**Шерзод АЛИМОВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар  
академияси профессори, тарих фанлари номзоди*

**ФРОНТЛАРДАГИ МИЛЛИЙ ҲАРБИЙ МАТБУОТ ВА УНИНГ  
ЖАНГЧИЛАРНИ ҒАЛАБАГА ЧОРЛОВЧИ ШИДДАТЛИ  
ФАОЛИЯТИДАН**

*Ватан олдидаги бурчни адо этиши чогида  
юртимиз озодлиги, халқимизнинг тинч ва  
осойишта ҳаётини таъминлаш йўлида  
ҳалок бўлган мард ва жасур  
ўғлонларимизнинг азиз хотирасига  
эҳтиром кўрсатиши биз учун ҳам фарз,  
ҳам қарзидир.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

**Ғалабага чорлаган ҳарбий сатрлар**

Ватан уруши йилларида барча имконият душманни тор-мор этишга қаратилди. Жангчиларимизнинг моддий ва маънавий куч-ғайрати ягона мақсадга – ғалабага йўналтирилди. Бу борада ўткир ғоявий қурол – фронт ва фронторти матбуоти муҳим вазифани адо этди. Ўзбек тилида ҳам ўн тўртта газета ва битта журнал (Ишчи-деҳқон Қизил Армияси бош сиёсий бошқармаси органи) чиқарилиб, аскарларни Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатишга илҳомлантириб турди.

Уларда истеъдодли ижодкорлар меҳнат қилишди. Қалб ҳарорати билан битилган жўшқин мақолалар: ғалабага, дўстликка, ахилликка чорловчи шеърлар юзага келди. Фронт газеталарида ўзбек ўғлонларидан Адҳам Раҳмат, Адҳам Ҳамдам, Назармат, Раҳим Сатторов, Обитой Турумбетов, Зиннат Фатхуллин, Рустам Каримий, Иброҳим Раҳим, Аҳмад Бобожон, Туғон Эрназаров, Тўлаган Соатий, Аширмат кабилар хизмат килдилар. Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ғафур Ғулом, Султон Акбарий, Ойбек,

Мавлон Икром, Максуд Шайхзода, Зулфия, Ҳамид Гулом сингари ёзувчи ва шоирлар эса Ўзбекистонда туриб, ўз асарлари билан фаол катнашдилар.

Уруш йилларида ҳарбий матбуот фронтда ва фронт ортидаги қаҳрамонликларни ўзида кўзгудек акс эттириб турди. Мақола ва шеърларнинг ҳар сатри, жумласи жангчи-ю меҳнаткашнинг кучига куч қўшди. Чунончи, “*Ўзбек халқининг жангчиларига уларнинг эл-юртларидан мактуб*” ёки “*Жангчиларнинг Ўзбекистонлик меҳнат аҳлига хати*” шундай жанговар асарлардир.

Йиллар ўтди. Суронли йиллар, ойлар ортда қолди. Аммо муқаддас хотира, эъзозли кадр сира ҳам эсдан чиқмайди!?

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош нашри “Ватанпарвар” 2020 йил 25 сентябрь санасида ўта машҳур ва тарихий ҳужжатни чоп этди<sup>1</sup>. 1942 йил 31 октябрь. Сталинград жангининг айни қизғин палласида “Правда” газетасида 2412 нафар киши томонидан ўзбек жангчилари учун “*Письмо узбекского народа бойцам-узбекам*” номли хат эълон қилинган. Унда шундай дейилган: “*Бутун ўзбек халқи сизларни олқишлайди. Сталинграднинг ҳар бир қарич заминини темир қалқон бўлиб мудофаа қилаётган, Кавказ ҳимоясида ҳамда бутун фронт бўйлаб фашистларнинг шиддатли ҳужумини мардонавор қайтараётган ўзбек ўғлонларига юксак ишонч билдирадилар, Ватан тақдири Сизларнинг қўлларингизда!*”

*Бизнинг қалбимиз ва хаёлимиз доимо сизлар билан!*

*Ватан ҳимоясида шижоати билан ўзини намоён қилган шундай ҳақиқий ўзбек қиз ва ўғлонларидан намуна олинлар. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Кучкар Турдиев, Сираджиддин Валиев, Адиллов, Мухаммед Ибрагимов, Зебохон Ганиева, Марьям Юсупова, Эльмурадов, Рустамбеков ва бошқалар”.*

Хатда шундай сатрлар бор: “*Шоввоз ва азиз фарзандлар! Ўзбек халқи сизни ёвуз душманга қарши кундан кунга даҳшатли ва газаблуроқ курашга чақиради. Ҳозир душманга нафрат, ўз Ватанига муҳаббат-хурриятпарвар кишилик оламига ҳурмат демакдир. Душманга нафрат – уни ўлдириши, қириб ташлаши демакдир... Биронта фашистни ўлдирмаган аскар жангчи эмас, номарддир”<sup>2</sup>.*

<sup>1</sup> “Ватанпарвар”. 2020 йил 25 сентябрь.

<sup>2</sup> “Правда”. 1942 йил 31 октябрь.

Бундай ўтли, оташин жумлалар фронтдаги Ўзбекистонлик учун ҳам куч-мадад, ҳам наказ бўлди. Уни босқинчиларни яксон қилишга ғалабага ундади. Дастлаб “Правда” газетасида босилган ўзбек тилидаги бу мактуб кейинроқ барча фронт газеталарида ўзбек ва рус тилларида эълон қилинди. Баъзи жойларда варақа ҳолида чоп этилди.

Истеъдодли таржимон, “Ватан шарафи учун” фронт газетаси (дастлаб Воронеж, кейинчалик Украина фронтлари сиёсий бошқармалари органи) муҳаррири Рустам Абдурахмонов суҳбатларимиздан бирида шуларни эслаганди: “1943 йил август ойида Уйғуннинг “Кел” ва “Кут” кўшиқларини газетада ёритдик. Улар жангчиларга маъқул бўлиб, шундай кўшиқларни яна босишимизни илтимос қилиб хатлар ёзишди. Мен Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига, дўстим Ҳамид Олимжонга хат ёзиб, юртдошларимиз талаб-истакларини билдирдим. Айни пайтда Ҳ. Олимжон жангчиларнинг севимли шоири эди, унинг “Қўлингга қурол ол”, “Россия”, “Соғиниш” каби шеърлари газетамизда чоп этилганди. У киши бизни узоқ куттирмай, дарров бир даста асарлар юбордилар”<sup>1</sup>.

Фронт газеталарида ёритилган шеърларнинг айримларини жангчилар кўшиқ қилиб айтишган. Шу ўринда Рустам Абдурахмонов хотираларидан яна бир лавҳа келтириш жоиз: “1944 йилнинг апрелида Ғарбий Украинада Тернополь шаҳри босқинчилардан озод қилингандан кейин бир дала госпиталига бориб қолдик. Ичкаридан қулоққа аллақандай ёқимли ашула чалинди. Рухсат сўраб кирдик: базм авжида. Икки ўзбек офицери - бири катта, бошқаси кичик лейтенант кўлларида ликопчани силкитиб, кўшиқ айтишяпти. Атрофда ярадорлар жимгина берилиб тинглашарди...”

Фронт газеталарида собиқ совет хотин-қизларининг букилмас иродаси, Ватанга муҳаббати, аҳдига вафодорлиги ҳам жўшиб тараннум этилган. “Кизил Армия” газетаси (Сталинград fronti сиёсий бошқармаси органи) ходими Зифо Шамсиддинова ёзган мақолалар жангчилар қалбига чуқур кириб борди. “Ўлим босқинчиларга!”, “Сизнинг қаҳрамонлигингиз ғалабамизни яқинлаштиради!”, “Қуёшли ўлкамизга ёруғ юз билан қайтайлик!” каби мақолалари юртдош қуролдошларга жанговар маънавий мадад бўлди. Кейинчалик улкан адиб Мирзакалон Исмоилий Зифонинг қобилиятига, ташкилотчилигига қойил қолганди. “Сталинград жанги Совет Армиясининг ажойиб ғалабаси билан тугади, деб эслайди у. - Бу оламшумул-тарихий ғалабамиз Зифонинг ҳам бошини осмонга етказди.

<sup>1</sup> Абдурахмонов. Р. Фронт эсдаликларидан. Т. 1953. “Ўздавнашр”. 12-б.

Сталинград операциялари тугаганидан кейин мен редакцияга бой материал билан қайтдим. Зифо узоқдан кўрибоқ олдимга югуриб келди.

– Табриклайман. Мирза ака, табриклайман!

Шу куни у таассуротлари ҳақида дугонаси Бонуга шундай ёзган: *“Жонгинам Бону! Ассалому алайкум! Шу жумлаларни ёзаётганимда нақадар бахтли эканлигимни кўз олдинга келтира олмайсан. Сталинградда галаба қозондик! Биласанми, бу нима? Гитлер капут, деган сўз. Энди гарбга, лаънати душман унига қараб юрамиз!..”*<sup>1</sup>

**Уруш йилларида Воронеж фронтида ўзбек тилида нашр этилган “Ватан шарафи учун” газетасининг муҳаррири, таниқли журналист ва таржимон Рустам Абдурахмоновнинг**

### **Биринчи ҳикояси:**

“1943 йил февралнинг аввали. Воронеж озод этилган бўлишига қарамай, ҳали ҳар жой – ҳар жойда фашизм “маданияти”нинг мудҳиш обидаси бўлиб, дорлар қакқайиб турарди. Мен зарур бир иш билан Фронт сиёсий бошқармасига бораётган эдим. Қарасам, бир жойда беш-ўн киши дорларни бузишаётган экан. Бу кишиларнинг ёнида телпагининг икки қулоғи осилиб елкасига тушган, эғнида қора мовут пальто, қўлида, кичкина қора сумка, баланд бўйли, йўғон гавдали бир киши одамлардан нималарнидир суриштириб турибди. Нима учундир бу одамнинг овози менга таниш туюлди. Қаердадир бу товушни кўп эшитганман. Шунинг учун ҳам бепарво ўта олмай, секин юриб бориб, бояги кишининг юзига қарадим. Қарадиму кутилмаган учрашувдан хайратда қолдим. Тушимми-ўнгимми, билмайман. Бояги одам Ойбек ака эди!

Кучоклашиб кўришдик. Қарасам, унинг кўзларида ёш қалқиб турибди. Кўнгли тўлиб кетганидан ҳатто сўзлай олмас, энтикиб-энтикиб, менга дорни кўрсатар эди.

– Қонхўрлар! Инсон қиёфасини йўқотган вахшийлар! – деди у ниҳоят. Сўнг Гитлерни, гитлерчиларни лаънатлаб кетди. – Инсоният тарихида вахшийлиги билан ном чиқарган Атилла ҳам, Чингизхон ҳам Гитлернинг йиртқичлиги олдида ип эшолмайди. Бу разил махлуқлар мана шу дорга қанчадан-қанча гуноҳсиз кишиларни осиб ўлдирганлар. Қонхурлар! Жаллодлар! Йиртқичлар!

<sup>1</sup> “Қизил Армия” – Сталинград фронти газетаси. 1942 йил 14 март.



Ойбек домлани кўрсатиб нотаниш тилда куйиб гапираётганини кўрган кишилар энди бизнинг атрофимизни ўрай бошладилар. Мен бу киши машҳур ўзбек ёзувчиси Ойбек эканлигини айтдим. Шу пайт ишчиларга бошчилик қилиб, йўл-йўриқ кўрсатиб турган ўттиз беш ёшлар чамасидаги киши бизнинг олдимизга келиб кўришди-да, Ойбек акага қараб, деди:

Мен сизни биламан, мухтарам Ойбек. Урушдан аввал МГУнинг дастлаб филология факультетида, сўнгра аспирантурада ўқиган эдим. Бизда СССР халқлари адабиёти бўйича махсус курс бўлган. Ўрта Осиё ёзувчиларидан Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон ва бошқаларнинг ижодлари билан ўшанда танишганман. Сизнинг ҳам ижодингиздан оз-моз хабардорман. Мана уруш бошланиб, фалакнинг гардиши билан шу ерларда юрибмиз. Энди фашистларни итдек ҳайдаб, шаҳарни тартибга туширмасак бўлмайди...

Ойбек ака бу кутилмаган учрашувдан хурсанд бўлиб, нотаниш кишини шаҳарнинг озод этилиши билан табриклайди:

– Сизни Воронежнинг озод этилиши билан чин қалбдан табриклайман. Менинг сўзларимни ўзбек халқининг қутлови сифатида қабул қилишингиз мумкин.

Шу воқеадан кейин икки-уч кун ўтгач, Ойбек ака менинг илтимосим билан газетамиз учун “Озод бўлган шаҳарда” шеърини ёздилар. Бу шеърда Воронеж тупроғида бўлиб ўтган учрашувимизни эслатувчи: *“Дорзор бўлган зўр майдонларда, ўйнар қувонч ва бахт шамоли”*, деган сатрлар ҳам бор эди.

### **Иккинчи хикояси:**

Муаллиф билан хайрлашгач, мен Ойбек акани фронт газетасининг редакциясига таклиф этдим. Редакцияда Фарҳод Муродов, Иброҳим Алиев каби ҳамкасбларим ишлаётган, улар худди кадрдон акаларини кўргандек, Ойбек домла билан қучоқлашиб кўришдилар. Дарҳол дастурхон ёзиб, топган-тутганимизни ўртага қўйдик. Бир пиёла чой баҳона анчагина гурунглашиб, бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўрадик. Сўнг редакция ходимлари билан хуфёна маслаҳатлашиб, қандай қилиб бўлса ҳамки, азиз меҳмон шарафига палов дамлаб, камтарона зиёфат бермоқчи бўлдик?

Ниҳоят, ош тайёр бўлиб, дастурхонга келди. Бир косадан, худди арафа кунларидагидек, қўшниларга ҳам улашдик. Зеро, бу биз учун, Ойбек аканинг мухлислари учун ҳақиқатан ҳам қутлуғ кун эди. Анчадан бери иссиқ таом татимаган меҳмон ошни роса мақтаб-мақтаб еди.

Мен ўша куниёқ Ойбек акани газетамизнинг рус, татар ва қозок таҳририятлари ходимлари билан таништирдим. Ойбек ака газетанинг рус таҳририятида хизмат қилаётган Александр Бези́менский, Леонид Первомайский, Савва Голованский каби фронтчи-ёзувчилар билан аввалдан таниш экан. Улар кадрдонлардек кўришиб, ширин суҳбат қурдилар. Ойбек ака суҳбат чоғида ўзбек жанговар жангчилари ҳаётидан роман ёзиш ниятида эканликларини айтиб, ҳаммамизни хушнуд этдилар.

### Хотима

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, фронт газетасининг машинаси бир қанча алоқа зобитларини олиб, Харьковга жўнади. Ойбек ҳам шу машинада эди. У март ойининг ўрталарига яқин Москвага қайтди. Сўнг 18 кун йўл босиб, эсон-омон Тошкентга етиб келади. Адиб ҳорғин ҳолда, қоқ ярим тунда эшиги олдида тўхтади. Болалари ёш эди, Ойбек уларни безовта қилмаслиги учун деразани оҳиста чертди...

Адибнинг ишчилар шаҳарчасидаги ҳовлисида қад кўтарган дарахтлар баҳор нафасини эмиб, илк баргларини ёзаётган эди. Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида жон олиб, жон бераётган жангчиларни, уларнинг жасорати, букилмас иродаси ва ғалабага бўлган қатъий ишончини кўрган адибнинг қалбида “Қуёш қораймас” романининг дастлабки боблари нурлана бошланган эди<sup>1</sup>...

\*\*\*

Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари ҳамда фронт ортида меҳнат қилган халқимизнинг меҳри дарёлиги намунаси бўлган инсонлар хотирасига юксак эъзоз-эҳтиром кўрсатилмоқда.

2018 йилда Хотира ва кадрлаш кунини нишонлаш арафасида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги майдонига Тошкентлик темирчи Шомахмудовлар оиласи хотирасига ҳурмат сифатида барпо этилган ҳайкал қайта ўрнатилди.

Генерал Собир Раҳимов ҳайкали Тошкент шаҳри Олмазор тумани ҳокимлиги қаршисидаги аввалги ўрнига қайтарилди. Ўша жойда Ғалаба боғи ва “Шон-шараф” музейи ташкил этилди. Бу 1941-1945 йилларда

<sup>1</sup> Абдурахмонов Р. Фронт эсдаликлари. Т., 1953. “Ўздавнашр” 17-б.

Иккинчи жаҳон уруши frontiда матонат кўрсатган юртдошларимиз хотирасини улуғлаш йўлидаги яна бир эзгу кадам бўлди<sup>1</sup>.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаган Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш ўғлидан Исоқжон, Аҳмаджон, Мамажон, Вахобжон, Юсуфжондан жудо бўлди. Унинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Келинлари ҳам Зулфия аядан ўрناق олиб, ўз оиласига садоқат кўрсатди, бошқа турмуш қурмади.

Давлатимиз раҳбари Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган ўғиллари, садоқатли келинлари хотирасига атаб мухташам ҳайкал ўрнатиш ҳамда унга “Матонат мадҳияси” деб ном бериш таклифини билдирди<sup>2</sup>. Бу мавзуда мақолалар, шеърлар ва бадиий фильм яратилди.

*Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигида Президентимиз Ғалаба боғининг марказида қад ростлаган, сабр бардоши метиндан ҳам мустаҳкам ўзбек аёлларининг тимсоли бўлган ушбу муаззам обида “Матонат мадҳияси” ёдгорлик мажмуасига эҳтиром рамзи сифатида гулчамбар қўяр экан, шундай деди:*

*“Бу Ўзбекистондаги барча оналарга қўйилган ҳайкал. Ушбу ёдгорлик бутун халқимиз учун қутлуғ зиёратгоҳга, оила, муҳаббат, вафо ва садоқат тимсолига айланиб қолади. Бу ерга келган ёшлар миллатимизнинг қонида бўлган фазилатларни англаб, уларни қадрлаб яшашга интилади<sup>3</sup>.”*

### **Тарих доимо хулоса чиқаришга ундайди**

Мозийга қараб иш тутмоқ хайрлидир. Тарих доим хулоса чиқаришга ундайди. Ўтган аср бошларида Оқ пошшо томонидан аҳолининг ишга яроқли қатлами олис Сибирь ўлкаларига мажбуран мардикорликка олиб кетилган бўлса, Иккинчи жаҳон уруши даврида фронтга “яроқсиз Ўзбекистонликлар” ишчи батальонига олиниб, Сибирга жўнатилди. Улар совуқ ўлкаларда, саноат корхоналари ва конларда ярим оч-наҳор ҳолда меҳнат қилди, жуда кўпчилиги Ватандан олис жойларда ўлиб кетди, кафансиз кўмилди.

**Ўтган қарийб бир юз ўттиз беш йил миллат учун, халқимиз учун ниҳоятда жабрли кечди. Подшо Россияси, қатағонлар тўлқини,**

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.. Жилд 2.Т., “Ўзбекистон”. 2018. 320-б.

<sup>2</sup> Шавкат Мирзиёев. Миллий тикланишдан–миллий юксалиш сари. Жилд 4.Т.–“Ўзбекистон”. 2020. 425-б.

<sup>3</sup> Янги Ўзбекистон. 2020 йил 10 май.

миллатнинг асл фарзандларини махв қилиш ҳар бир авлод учун насиба бўлди. Лекин халқимиз сабрли эди. Бироқ, сабрлиларни осийди, отийди, зиндонбанд қилишди. Авлодлар қирғин қилинди. Зулм маркази ҳеч кимни аямади. Иккинчи жаҳон уруши ҳамда Қатағонлик сиёсати оқибатида собиқ Иттифоқнинг турли ҳудудларидан бир қатор халқлар “Ватан хоинлари” тамғаси остида Марказий Осиёга кўчирилди. Асл мақсад халқларни бир-биридан ажратиш ва жазолашдан иборат эди. Шўро ҳукуматининг бу хатти-ҳаракатлари фашистлар оккупацияси даврида: *“айрим кишилар ва гуруҳларнинг хоинлиги хавфсизлигини қўриқлаш”*, деб таърифланди.

### Маршал билан учрашган ўзбек жангчиси

Сталинградда қақшатқич зарба еб, ортга қайтган фашистлар стратегик ташаббусни қайтариб олиш мақсадида Курск атрофидаги жангларга катта умид боғлаган эдилар. Аммо Курск мудофааси учун қирғин-барот тўқнашувларда Марказ ва Воронеж фронти кўшинлари мислсиз қаҳрамонлик кўрсатиб, фашист босқинчиларини улоқтириб ташлади. Бу муваффақиятни ривожлантириш учун Курск томон юборилган кўшинлар қарши ҳужумга ўтишди. 1943 йил август ойида босқинчиларнинг ўттизта дивизияси яқсон қилинди ҳамда Орёл, Белгород ва Харьков шаҳарлари озод этилди.

Кўшинлар таркибида артиллерия батареясининг танкка қарши нишонга олувчи гуруҳида наманганлик юртдошимиз, “Жасорат” медали ва жанговар “Қизил байроқ” ордени кавалери, кичик сержант Абдусаттор Раҳимов ҳам бор эди. Гарчи унинг исми маршал Жуковнинг китобига тушмаган бўлса-да, ҳарбий техникани моҳирлик билан ишлата олиш бобида кўпчиликка ўрнак бўлган.

Абдусаттор Раҳимовнинг 1975 йилда собиқ ҳарбий мухбир Сергей Смирнов билан суҳбатида айтганлари эътиборга моликдир: “Танк сен томон келаётганидан хабардорсан, кўриниб турибди у, аммо барибир отишга улгурмай қолишинг ёки хато кетишинг мумкин. Мана, сен мўлжалга олдинг, масофани тезда чамалаб чиқдинг, аммо бир лаҳзанинг ўндан бир қисмига кечиксанг борми, у битта ўқи билан сенинг замбарагингни парчалаб осмонга учиради ёки етиб келиб, устингга ташланади, ер билан қориштиради...”.

Айтиш жоизки, Маршал Жуков ўз хотираларида таъкидлашича, Олий кўмондонлик Курск атрофидаги жанглари тайёрлаш, хусусан, кўшинларни қайта гуруҳлашда бир оз сусткашликка йўл қўйгани натижасида муайян мураккабликлар рўй берган. Шу боис, Олий кўмондонлик кўшинлар олдига пайсалга солмай зудлик билан душманни таъқиб қилиш, тезроқ Днепрга ва унинг Ғарбий қирғоғига ўтиш вазифасини қўяди.

Днепр дарёси Киевни озод этиш йўлида энг аҳамиятли, катта тўсиқ эди. Немислар бу жойда жон-жаҳдлари билан қаршилиқ кўрсатиши аниқ. Аммо пухта тайёрланган операция бўйича уюштирилган шиддатли ҳужум, жангчилар жонбозликлари натижасида 1943 йил сентябрь охи сўнггида улкан дарёнинг нариги қирғоғида кенг ва муҳим плацдармни ишғол этишга муваффақ бўлинди.

Днепр учун бўлган жангларда кўрсатган мардлик, қаҳрамонликлари учун кўплаб аскар, сержант, офицер ва генераллар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланадилар. Булар орасида ўз замбараги билан душманнинг ўнлаб ҳарбий транспортини, танк, пулемёт ва артиллерия ҳамда ўт очиш нуқталарини янчиб ташлашга муваффақ бўлган, кўплаб ёвузларни ер тишлатган кичик сержант Абдусаттор Раҳимов ҳам бор эди. Дарҳақиқат, Абдусаттор ҳарбий техника сирларини кунт билан ўрганиб, зийраклиги ва эпчиллиги эвазига бир кунлик жангнинг ўзида душманнинг тўққизта танкини мажақлаган эди. Унинг тақдири – Ватан тақдири эканлигини Сергей Смирнов чуқур англади...

Уруш фахрийлари учрашганда суҳбат мавзуси битта бўлади. Қолаверса, Смирновнинг бу учрашувдан кўзлаган алоҳида мақсади бор эди: Абдусаттор Раҳимов ҳақида батафсилроқ маълумот тўплаш. Аммо қаҳрамон ўзидан кўра, кўпроқ қуролдош дўстлари ҳақида гапиради. Шунда Раҳимовни аввалдан билган Смирнов унинг гапини бўлиб: “Кўп камтарлик қилаверма, ўша жангларда ҳаммадан кўра, ўзинг катта иш кўрсатган эдинг. Ҳатто фронт кўмондони маршал Родион Малиновский билан учрашганинг ҳақида ҳам ҳамшаҳарларингга ҳеч нарса демаганга ўхшайсан”.

“Ростдан-ми? Маршал Малиновский билан учрашганми?”, дея ҳайрон бўлиб сўраган экан Мумтоз Муҳамедов. Демак, урушнинг қаҳрамон фахрийларига оид тафсилотларни бизнинг ҳарбий журналист билмаган экан, биз бундан Абдусаттор Раҳимовнинг шахси тўғрисида керакли хулоса чиқариб олишимиз мумкин.

Маршал билан учрашув 1945 йил февраль ойида бўлиб ўтган эди. Украина fronti кўмондони Малиновский А.Раҳимовга яна битта жанговар мукофот – “II даражали Ватан уруши” орденини топшириш учун уни ўз хузурига таклиф қилади. Шу ерда табиий равишда бир савол туғилади: Нега энди кичик сержантга мукофот топшириш учун кўмондон уни ўз хузурига таклиф қилиб қолди? Манбалардан, кинохроникадан биламизки, мукофотларни одатда кўшин сафлари олдида иложи борица тантанавор топшириш анъана бўлган. Раҳимовни эса кўмондон ўз штабига чақирди. Кўпни кўрган маршал кетма-кет жанговар мукофотларга сазовор бўлаётган оддий ўзбек йигити билан яқинроқ танишиш, қахрамон шахсиятини, характери, унинг матонати замирида нима ётганини билиш мақсадида уни ўз хузурига чақирган бўлса, ажаб эмас?

Дарвоқе, маршал билан суҳбатни ёзиб олган киши оддий журналист эмас, ҳарбий журналист – Сергей Смирнов атоқли ёзувчи “Брест қалъаси” номли машҳур асар муаллифи. Ҳамюртимиз Абдусаттор Раҳимов ҳақида ҳам, албатта, ҳужжатли китоб яратиш ниятида ўша магнит тасмасини сақлаб юрарди. Ана шу мақсад билан ёзувчи 1975 йили ўз қахрамони билан учрашиш учун Ўзбекистонга келади. Тошкентда мамлакат раҳбарияти унга Мумтоз Муҳамедовни ҳамроҳ қилиб Наманганга кузатиб қўяди.

\*\*\*

Иккинчи жаҳон уруши йилларида деярли барча фронтлар округлари ва қисмларида нафақат ўзбек ҳарбий босма матбуоти жанрлари жиҳатидан газеталар ва журналлар сифатида чоп этилган. Айти пайтда бошқа тилларда ҳам (собиқ СССР – кўп миллатли ва элатли мамлакат эди) нашр қилинган.

Мақола муаллифи тарих фанлари доктори, профессор Карим Норматовнинг диссертация манбалари<sup>1</sup> асосида Марказий Осиё республикалари халқлари тилидаги қуйидаги жадвални келтиради:

№	Нашрлар жанри	Газеталар	Журналлар
1	Ўзбек тилида	16	2
2	Қозоқ тилида	14	2
3	Туркман тилида	4	1

<sup>1</sup> Национальная военная печать в годы Отечественной войны: 1941-1945 гг. (На опыте прессы народов республик Средней Азии и Казахстана) Ленинград. 1988 г.

4	Тожик тилида	4	1
5	Қирғиз тилида	4	1
Жами		42	7

Маълум бўлишича, Уруш йилларида кам номда ва нусхаси катта бўлмаса-да, миллий тилларда ҳарбий матбуот тарихининг яратилиши ва ҳозирги пайтда кенг йўналишда ўқитилиб, ўрганилиши ҳар бир давлат ва жамият ёшлари учун ўта қадрли ва қимматлидир.

Президент Шавкат Мирзиёев жуда кўп ҳарбий фаолиятга доир чиқишларида Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий маънавий-маърифий тарбияга, халқ ва армия бирлиги ҳамда жипслигига алоҳида аҳамият берадилар. Президент қайд қилдилар: **“Агар жисмоний ва жанговар тайёргарлик орқали ҳарбий хизматчилар жисмонан тобланиб, куч-қувватга тўлса, маънавий-маърифий тарбия орқали уларнинг қалби, руҳи, иродаси мустаҳкамланади.**

*Биз қаҳрамон ота-боболаримиз, жасур ҳарбийларимиз ҳақида сўз юритганда, “мард”, “ботир”, “фидойи”, “матонатли”, “қўрқмас”, “шерюрак”, “баҳодир”, “пахлавон” деган сўзларни алоҳида тилга оламиз... Бундай тарбиянинг асосида ўзак масала бўлиб турадиган тушунча – бу миллий руҳдир. Миллий рух инсонда она алласи, унинг оқсути билан бирга шаклланади, десак тўғри бўлади”<sup>1</sup>.*

Сўнгги йиллар миллий ҳарбий матбуот тарихини янада чуқур тадқиқ қилишимиз зарурати келиб чиқмоқда. Бу эса Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, халқ ва армия – бир тану бир жон бирлигини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучлар қудратини оширишда баҳоли қудрат ижобий таъсир ва тарбия ролини ўйнайди.

## РЕЗЮМЕ

Фронт газеталарида ватанпарварлик мадҳияси тараннум этилди.

\*\*\*

Во фронтовых газетах воспевался гимн о патриотизме.

\*\*\*

Front newspapers played the patriotic anthem.

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев. Миллий тикланишдан–миллий юксалиш сари. Жилд 4.Т.–“Ўзбекистон”. 2020. 129-б.

*Тадқиқот***ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗ ҲАЁТИДАН  
ҚОНИҚИШ ДАРАЖАСИ**

*Кўп миллатли Ўзбекистон халқи давлат мустақиллигининг 32 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган бир пайтда “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан жамоатчилик фикри сўрови ўтказилди.*

Тадқиқот мутлақ кўпчилик ҳамюртларимизнинг назарида мустақиллик иқтисодиётни ривожлантириш, сиёсий барқарорлик, мамлакат, жамият, ҳар бир оила хавфсизлиги ва фаровонлигининг асоси ҳисобланиши, фуқароларга ўзини фаровон давлатнинг бир қисми сифатида ҳис қилишга ишонч бағишлаши, фаол фуқаролик позициясини ва жонажон мамлакат равнақига муносиб ҳисса қўшиш истагини рағбатлантиришини кўрсатади.

Сўров иштирокчиларининг таъкидлашича, мустақилликка эришиш уларга кенг имкониятлар, жумладан, ўз ҳаёти ва келажагини эркин белгилаш, раҳбарларни танлаш ҳамда муҳим ҳаётий манфаатларига оид қарорларни қабул қилишда иштирок этиш имконини беради.

Ўзбекистонликлар мустақилликни юксак қадрлашади, шу сабабли фуқароларнинг аксарияти, яъни 73,5 фоизи ушбу муҳим санани аъло ва кўтаринки кайфият билан, ўз мамлакати, халқи учун, иқтисодий, ижтимоий, илмий, техник, маданий ва бошқа кўплаб соҳалардаги тарихий ривожланиш йўлларида эришилган натижалар учун ғурур ва ифтихор туйғуси билан нишонламоқда.

Аксарият фуқаролар ўз мамлакати ва халқи билан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг кўз ўнгида юксак обрў-эътиборга ва ижобий имижга эга эркин давлат ҳисоблангани учун фахрланади.

Респондентларнинг мутлақ кўпчилиги мустақил Ўзбекистон фуқароси эканидан, ўзларининг шу юртга, ягона миллатга мансублигидан фахрланишади, мамлакатда рўй бераётган ўзгаришларга дахлдорлигини энг олий қадрият сифатида қабул қилади.

*Сўров иштирокчиларининг 76,4 фоизи бугунги кунда олиб борилаётган ислохотлар туфайли мамлакатимизда фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёти таъминланаётгани ҳамда жамиятда бағрикенглик, дўстлик ва инсонпарварлик ҳукм сураётганини эътироф этган.*



Олинган сўров натижалари мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантириш, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш, аҳолининг адолат ва судга бўлган ишончини ошириш борасида салмоқли ютуқларга эришилганини кўрсатмоқда.

*Респодентларнинг фикрига кўра, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ёш авлодни инсон ҳуқуқлари соҳасида ўқитиш ва тарбиялашда ижобий динамикага эришилди.*

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакат фуқаролари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларда ижобий ўзгаришларни қайд этмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув-энергетика, транспорт, маданий-гуманитар соҳалардаги халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси сифатидаги мавқеи ва роли сезиларли даражада ошганлиги ҳам таъкидланган.

Ўзбекистон нафақат яқин хориждаги анъанавий ҳамкорлари билан ришталарни мустаҳкамламоқда, балки уларнинг географиясини кенгайтириб, янги алоқалар ўрнатмоқда. Кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва замонавий таҳдид ҳамда хатарларга қарши курашиш мақсадида мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги фаоллигини кучайтириш алоҳида аҳамият касб этаётир.

Респодентларнинг фикрича, ўттиз икки йиллик мустақил тараққиёт даврида Ўзбекистонда яшаётган барча халқ ва миллатлар вакиллари ўртасида тинчлик, дўстлик ва ўзаро англашув сақланиб қолгани алоҳида таҳсинга лойиқдир. Фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсати концепциясининг амалга оширилишини миллатлараро ва динлараро муносабатларда барқарорлик омили, деб ҳисоблайдилар.

Жамоатчилик фикри сўрови давомида Ўзбекистонликлар мамлакатимиз юқори кўрсаткичларга эришган соҳалар, айниқса, уларда мамнуният ва фахр ҳиссини уйғотадиган самарали ва натижага эга бўлган йўналишлар аниқланди.

Эришилган ютуқлар қаторида шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини яхшилаш, замонавий ва қулай турар жой бинолари, ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш, фуқароларнинг, айниқса чекка

худудларда ичимлик сувидан, электр энергияси, табиий газ, телекоммуникациялардан фойдаланиш имкониятларини ошириш, шунингдек йўллар, автомагистраллар, замонавий йўл кесишмалари ва кўприклар қурилиши борасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари қайд этилди.

Фуқароларнинг фикрича, сезиларли ижобий ўзгаришлар таълим тизимига, таълим хизматлар сифатини яхшилашга, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, лицейлар, коллежлар ва олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини такомиллаштиришга таъсир кўрсатади.

Тадқиқот мамлакат аҳолиси томонидан *инсон манфаатларини ҳимоя қилиш* соҳасида эришилган натижалар юқори баҳоланаётганидан далолат беради.

**“Ижтимоий фикр” республика  
жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази  
маълумотлари асосида тайёрланди.  
(Махсус “Ахборотнома” учун).**

- *Ўқинг – бу қизиқ*

## НОЁБ ХОТИРАЛИ КИШИЛАР

Италиянинг Болоня шаҳрида истиқомат қилган дурадгор ўғли Гаспар Меццефанти (1774-1849) 30 та Европа тилини, 17 та Осиё халқлари тилини яхши билган. Африка қитъасида яшовчи халқлар тилларидан 5 тасини мукамал ўзлаштирган. Айрим маълумотларга қараганда, бу нодир зот 100 та тилда муомала қилган.

\*\*\*

Тарихий манбаларда қайд этилган ноёб хотирали кишилар орасида шундай шахслар борки, уни ўқиган киши ҳайратдан ёқа ушлайди. Жумладан, Копенгаген дорилфунини профессори Расмус Кристиан Раск (1787-1832) энг кучли хотирали кишилардан ҳисобланган. У 230 та тилда гапира олган, унинг қаламига мансуб 28 та луғат ҳамда грамматик дарсликлар мавжуд.

\*\*\*

С.Маходо исмли ҳинд йигити рақамларни эслаб қолиш борасида рекорд қўйган. У 3 соату 39 дақиқа давомида 31.811 та сонни хотирасига жойлаб, кейин қайтариб айтиб берган.

\*\*\*

Инсоният тарихида энг кўп тилларни билган киши инглиз Жон Бодринг (1792-1872)дир. У 100 тилда гаплашиб, 200 тилда ўқий олган.

\*\*\*

Италиялик профессор Карло Тальвини кўп тилларни билишда мумтоз кишилардан бўлган. У 120 та тирик ва ўлик тилларни билган.

- *Янги рукн*

## АТАМАЛАР БУРЧАГИ

Ҳозирги кунга келиб энг долзарб маъмурий-бошқариш ва ижтимоий-сиёсий атамалар қуйидаги шаклларда тасдиқланди ҳамда шундай қўллаш тавсия этилди. Бу атамалардан баъзиларини мисол келтирамиз:

администратор – маъмур  
арбитраж – ҳакамлик  
акт – далолатнома  
автор – муаллиф  
автономия – мухторият, автономия  
битовое обслуживание – маиший хизмат  
баланс – мутаносиблик, мувозанат  
внешнеторговое объединение – хорижий савдо бирлашмаси  
верховный суд – олий суд  
группа – гуруҳ  
главное управление – бош бошқарма  
гимн – мадҳия, гимн  
гражданин – гражданин, фуқаро  
герб – давлат нишони, герб  
доклад – маъруза  
договор – шартнома  
заведующий – мудир  
заместитель – ўринбосар  
зарубежные страны – хорижий мамлакатлар  
информация – ахборот  
индекс – кўрсаткич  
инструкция – йўриқнома  
канцелярия – девон  
(завканцелярией – девонбеги)  
коллегия – ҳайъат  
кооператив ширкат  
контроль – назорат  
композитор - бастакор  
коллектив – жамоа  
комитет – қўмита, комитет  
межотраслевой – тармоқлараро

машбюро – машина ёзувхонаси  
министерство – вазирлик  
министр – вазир  
начальник – бошлиқ  
отдел – бўлим  
общество – жамият  
отзыв – раъй, тақриз  
объединение – бирлашма  
область – вилоят, область  
помощник - ёрдамчи  
представительство – ваколатнома  
план – режа, план  
программа – дастур  
платформа – иш дастури, дастур  
постановление – баённома  
процент – фоиз  
положение – низом  
резолюция – қарор  
редактор – муҳаррир  
редколлегия – таҳрир ҳайъати  
республика – жумҳурият, республика  
район – ноҳия, район  
секретарь – котиб  
секретариат – котибият  
союз – иттифок, уюшма  
справка – маълумотнома  
совет – совет, кенгаш, шўро  
социализм – социализм  
социалистик – социалистик, ижтимоий  
телевидение – телекўрсатув  
территориальное объединение – ҳудудий бирлашма  
текст – матн  
управление – бошқарма  
управление делами – ишлар бошқармаси  
уполномоченный – вакил  
юстиция – адлия

**МУНДАРИЖА**

<b>Бош муҳаррир минбари</b> .....	3
<b>ДОЛЗАРЪ МАВЗУ</b>	
<b>Пўлат БОБОЖОНОВ.</b> Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг мамлакатимиз аҳолисига мурожаати.....	4
<b>Рустам ЖЎРАЕВ.</b> Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг мамлакатимиз аҳолисига мурожаати .....	10
<b>ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР</b>	
<b>Фарходжон ХОДЖИХОДЖАЕВ, Акмалжон ОМОНОВ.</b>	
Давлат герби: фахримиз, ғуруримиз тимсоли.....	15
<b>Баходир МАТЛЮБОВ.</b> Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.....	19
<b>Бахтиёржон МУРОДОВ, Мухсинжон СУЛТОНОВ.</b> Ахборот технологиялари ёрдамида жиноят содир этишни аниқлаш – ўзгалар мулкига қарши курашишнинг муҳим элементларидан ҳисобланади.....	23
<b>Баходир УЛУГБЕКОВ.</b> Фуқаролик ҳуқуқий ҳимоясида шаъну, қадр- қиммат ва ишчанлик обрўсининг умумий механизми хусусида.....	30
<b>Алимжан МАТЧАНОВ.</b> Криминалистические аспекты методики расследования кибермошенничества в правоохранительной деятельности органов внутренних дел.....	44
<b>Меҳмонали СУВАНҚУЛОВ, Достон ЭШҚУЛОВ.</b> Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юретишнинг электрон тизимини жорий этишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	53
<b>ИЛМИЙ АХБОРОТ</b>	
<b>М.М. ИНАГАМОВА.</b> Сифатли таълим тизимини ривожлантиришнинг баъзи стратегик асослари.....	63
<b>Рустам ДЖУРАБАЕВ.</b> Теоретические и практические аспекты тактики задержания лиц находящихся в розыске органами внутренних дел.....	71
<b>Бахытгуль АСКАРОВА.</b> Особенности криминалистической тактики взаимодействия эксперта с органами следствия при назначении и производстве баллистических экспертиз.....	78
<b>ТАРИХ</b>	
<b>Шерзод АЛИМОВ.</b> Фронтлардаги миллий ҳарбий матбуот ва унинг жангчиларни ғалабага чорловчи шиддатли фаолиятидан.....	85
<b>ТАДҚИҚОТ</b>	
<b>Фуқароларнинг ўз ҳаётидан қониқиш даражаси.....</b>	96
<b>ЎҚИНГ – БУ ҚИЗИҚ</b>	
<b>Ноёб хотирали кишилар.....</b>	99
<b>ЯНГИ РУКН</b>	
<b>Атамалар бурчаги.....</b>	100

**ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!****Журналда диссертацияларнинг асосий  
натижаларига оид илмий мақолалар эълон қилиш учун  
ТАЛАБЛАР**

1. Чоп этиладиган материалларни тақриздан ўтказишнинг мажбурийлиги (зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ОАК сўрови асосида тегишли тақризни тақдим этишнинг мажбурийлиги).
2. Мақола тайёрланган ташкилотнинг тавсия хати.
3. Чоп этиладиган илмий мақола қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:
  - ўзбек, инглиз ва рус тилларида қисқача резюменинг мавжуд бўлиши;
  - фойдаланилган асосий адабиётларнинг аниқ келтирилиши ва мақоланинг камида 0,25 б.т. ҳажмида бўлиши;
  - муаммонинг қўйилиши, материалнинг назарий методологик ва услубий жиҳатдан пухталиги, манбаларнинг ишончлилиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг асослилиги назарда тутилади.
4. Электрон варианты CD дискда бўлиши керак.
5. Мақола таҳририятга икки нусхада топширилади.

Илмий-амалий, маънавий-маърифий  
ва сиёсий-ҳуқуқий журнал

Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Малака ошириш институти

АХБОРОТНОМАСИ

№ 3/2023

Нашриёт манзили: Тошкент ш. Х.Бойқаро кўчаси, 27А-уй.

---

Босишга рухсат этилди 23.09. 2023. Буюртма № 60  
Қоғоз бичими 60x84<sup>1/32</sup>. Шартли б. т.-9,5. Адади 20 нусхада.  
100213, Тошкент ш.